

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуцуцида УДК 811.512.133(02) + 025.4.011(575.1)*

ЮЛДАШЕВ ИБРОХИМ ЖУРАЕВИЧ

**ЎЗБЕК КИТОБАТЧИЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ:  
ШАКЛЛАНИШИ, ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ**

10.02.02 — ўзбек тили

Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим  
этилгаи д и с с е р т а ц и я

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

;

Тошкент - 2005

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг «Умумий тилшунослик» кафедрасида бажарилган.

**Илмий маслаҳатчи** — филология фанлари доктори, профессор  
**Н. МАҲМУДОВ**

**Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, профессор  
**А. МАМАТОВ**

филология фанлари доктори, профессор **С. КАРИМОВ**

филология фанлари доктори **М. ҲАКИМОВ**

**Етакчи илмий**

**муассаса** - Андижон давлат университети

Ҳимоя 2005 йил ойининг /&\_ куни соат /\_Ў\_ да  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий  
номидаги Тил ва адабиёт институти кузуридаги ДК 015.04.02 рақамли  
докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар қимояси  
бўйича ихтисослаштирилган кенгаш йиғйлишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шақри, И.Мўминов кўчаси, 9 —уЙ.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академиясининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: Тошкент шақри, И.Мўминов кўчаси, 13 —уЙ

Автореферат 2005 йилу>^^«/4)йининг \_/\_У\_ кунида тарқатилди.

»

**Ихтисослаштирилган кенгаш илмий  
котиби, филология фанлари номзоди ^Н.МАҲКАМОВ**

## ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

*Мавзунинг долзарблиги.* 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. Аслида мустақилликнинг маънавий пойдеворига 1989 йилнинг 21 октябрида асос солинган эди. Шу куни Ўзбекистонда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун узоқ йиллик танаффусдан сўнг ўзбек тилига расмий мақом берди ва у давлатнинг асосий иш юритиш тилига айланди. «Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда»<sup>1</sup>. Мустақиллик ўзбек тилшунослиги зиммасига аждодларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, уни бутун борлиш билан бутунги авлодга етказиш, ўзбек тили тараққиётининг замон билан ҳамнафас боришини илмий кузатиш, бу йўналишда зарурий тадқиқот ишларини олиб бориш, ўзбек терминологиясини бутунги кун талабларидан келиб чиқиб, илмий хулосаларга асосланган қолда уйғунлаштириш, тартибга солиш каби долзарб вазифаларни юклади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги икки мингдан ортиқ тилнинг олтмишга яқинида илмий терминология масалалари тадқиқ этилади ва у уч юз атрофидаги касб-хунар доирасини қамраган, холос. Шунга кўра, ҳар бир тилда ишланган соҳалар терминологияси у қадар кўп миқдорни ташкил этмайди. . Тёрминологик фаолтшк ҳар бир соҳанинг самарадорлиги, тараққий этганлиги каби ҳолатлар билан ҳам белгиланади<sup>2</sup>. Ўзбекистонда китобатчилик бугун вужудга келган соҳа эмас, албатта.

Ушбу заминда яратилган ва «бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бутун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, шббийёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деққончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади»<sup>3</sup>. Ана шундай бебақо хазинага соқиб бўлган ўзбек халқининг маданий — маърифий ҳаётида муқим бўлган китобатчилик соҳаси кўп жикатлари билан ажралиб туради. Аммо мазкур соҳа терминологияси қозирга қадар лингвистик жикатдан тадқиқ этилмади. Натижада ўзбек китобатчилик терминологиясида ечимини кутаётган талайгина масалалар йиғилиб қолди. Айниқса, мазкур соҳа терминологиясининг шаклланиш даврига оид айрим терминлар этимологиясига оид мунозарали ҳолатлар, унинг бойиш манбаларини аниқлаш ҳамда айни соҳа терминологиясини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга зарурият сезилди. Шу боис бундай долзарб масалаларни ўзида

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Шарқ, 1998. — Б. 3.

<sup>2</sup> Қаранг: Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. - М.: Наука, 1989. — С. 4.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Кўрсатилган асар, 3—4—бетлар.

муассамлаштирган лингвистик тадқиқотга бўлган эҳтиёж натижасида мазкур иш амалга оширилди. Шу маънода ушбу масалаларнинг тадқиқот объекти сифатида танланиши ва ишланиши диссертация мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, китобатчилик қар бир халқнинг маънавий — маърифий қаётини белгиловчи энг асосий мезонлардан биридир. Ўзбек китобатчилиги кўп асрлик тарихга эга бўлиб, олимлар томонидан унинг муайян жиқатлари, даврлари тадқиқ этилган. Ўрта Осиёда китобатчилик тарихи Э. А. Охунжонов<sup>1</sup>, Э. М. Исмоилова<sup>2</sup>, М. Рустамов<sup>3</sup>, А. Мадраимовлар<sup>4</sup> томонидан тадқиқ этилган. Кўрсатиб ўтилган бу ишларнинг барчасида бевосита ўзбек китобатчилиги тарихи билан боғлиқ қолатлар ўрганилган. Тўғри, Ўзбекистонда китобатчилик соқаси билан бевосита бўлмаса—да, билвосита алоқада бўлган баъзи луғатлар чоп этилган<sup>5</sup>. Бунда филология фанлари доктори Мукаммаджон Ҳакимовнинг хизматларини алоқида кўрсатиб ўтиш лозим. Олим томонидан тайёрланган «Шарқ кўлёмаларига доир терминларнинг изохли луғати» муайян жиқатлари билан ўзбек китобатчилик терминологиясига алоқадор дастлабки ишлардан қисобланади<sup>6</sup>. Лекин ўзбек китобатчилик терминологиясига оид алоқида луғат қали тўлиқ шаклда тайёрланмаган. Айни замонда, ўзбек тилшунослигида китобатчилик терминологияси деярли тадқиқ этилмаган. Демак, ушбу диссертация ишимиз мазкур йўналишда амалга оширилган дастлабки монографик тадқиқотдир.

**Диссертация ишининг илмий—тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг долзарб масалалари» мавзусидаги режаси асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади ўзбек китобатчилик терминологиясини диахрон ҳамда синхрон аспектларда ўрганиш, шунингдек, уни тартибга солиш борасидаги муаммоларни монографик тарзда тадқиқ этишдан иборат. Бу мақсадни амалга оширишда диссертация олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

— ўзбек китобатчилик терминологиясининг илдизларини аниқлаш;

— ўзбек китобатчилик терминологияси шаклланишидаги асосий омилларни белгилаш;

— ўзбек китобатчилик терминологияси шаклланишидаги асосий манбаларни тадқиқ қилиш;

— ўзбек китобатчилик терминологиясидаги мавжуд баъзи

<sup>1</sup> Ахунджанов Э. А. Письменная культура Средней Азии. — Т.: Изд-во народного наследия им. Абдуллы Кадири, 2000. — 112 с.

<sup>2</sup> Исмоилова Э. М. Рукописная книга Средней Азии позднего периода (XIX в.). Автореф. дисс. ... д-ра ист. наук. — Ташкент, 1990. — 45 с.

<sup>3</sup> Рустамов М. Ўзбек китоби. — Т.: Ўзбекистон, 1968. — 160 б.

<sup>4</sup> Мадраимов А. Алишер Навоий асарлари қўлёмалари XV—XVI асрлар Марказий Осиё китобат тарихига оид муҳим манба. Тарих фанл. д-ри. ... дисс. автореф. — Тошкент, 2003. — 48 б.

<sup>5</sup> Қаранг: Қосимова О., Қодирова Ё. Кутубхоначилик ва библиографияга оид терминларнинг

<sup>6</sup> Ҳакимов М. Шарқ кўлёмаларига доир терминларнинг изохли луғати // Адабий мерос. - 1982-1985. - № 24-33.

терминлар этимологиясига оид мунозарали масалаларни илмий асосланган хулосалар орқали қал этишга уриниш;

— жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолатда ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиш даврида ясалган ёки бошқа тиллардан ўзлаштирилган баъзи терминлардаги лексик — семантик ўзгаришларни ўрганиш ва тақлил қилиш;

— ўзбек китобатчилик терминологиясининг ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳамда ташқи манбалар асосида тараққий этиши принципларини тадқиқ этиш;

ўзбек китобатчилик терминологиясидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни тартибга солиш борасида илмий асосланган тавсияларни бериш.

*Тадқиқотнинг илмий янглиги.* Ўзбек тилшунослигида китобатчилик терминологияси биринчи марта монографик тарзда тадқиқ этилмоқда. Бунинг натижасида ўзбек тилшунослиги фанида илк бор китобатчилик терминологиясининг шаклланиши, тараққиёти, хусусан, терминлар ясалиши, бойиш манбалари, бугунги ривожланиш қонуниятлари, айниқса, соҳа учун долзарб ҳисобланган терминологияни тартибга солиш, уйғунлаштириш масалалари илмий далиллар, хулосалар асосида кўриб чиқилди ва бу йўналишда аниқ тақлифлар берилди. Шунингдек, ўзбек китобатчилик терминологиясининг<sup>1</sup> ўзбек адабий тили лексикасида тутган ўрни, аҳамияти очиқ берилди. Диссертациянинг яна бир илмий янглиги шундаки, унда китобатчилик терминологияси мисолида ўзбек терминологияси шаклланиши тарихининг бундан минг йиллар аввал бошланганлиги илмий далиллар асосида кўрсатиб берилди. Айни замонда, ўзбек халқининг буюк аждодлари . бўлмиш Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнахий, Хоразмий, Хўжандий, Юсуф Амирий, Саййид Аҳмад, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг ўзбек терминологияси, хусусан, китобатчилик терминологияси шаклланиши ва тараққиётига қўшган қиссалари уларнинг асарларидан олинган мисоллар билан ўзбек тилшунослигида илк бор тақлил қилинди. Китобатчиликка оид кўпгина терминларнинг этимологияси билан боғлиқ бўлган жиқатларнинг кенг кўламда ўрганилиши ҳам тадқиқотнинг яна бир илмий янглигидир. Юқорида таъкидланган йўналишларга оид баъзи маълумотлар илк бор илмий доирага қавола этилди.

*Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари.* Диссертациянинг методологик асосини диалектиканинг билиш назарияси (гносеология) ҳамда Президентимиз Ислам Каримов томонидан «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»<sup>1</sup> дея илгари сурилган фалсафий фикрлари ташкил этади. Юқоридаги назарияга асосан, инсон ҳиссий билиш босқичида мутлақ тўхтаб

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. ~ Т.: Шарқ, 1998. — Б. 5.

қолмайди. У ўз тафаккури орқали дунёни идрок этади. Тафаккур воқеликнинг умумлаштирилган, яъни билвосита аксидир. Тафаккур ва тил бир — бири билан узвий боғланган, айтиш мумкинки, тил бўлмас экан умумлаштириш жараёни ҳам бўлмайди. Шунингдек, тил ижтимоий онг ва тафаккурнинг бевосита юзага чиқиш шакли сифатида ижтимоий ҳаётни, унда содир бўлган ҳар қандай ўзгаришни ўзида намоён этувчи ижтимоий ҳодисадир. Диссертацияда ана шу кўрсатиб ўтилган методологик асосга амал қилинган ҳолда тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқот мавзусини ёритишда диахрон ҳамда синхрон аспектларда киёсий, тавсифий методлардан фойдаланилди.

**Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти.** Бугунга қадар ўзбек терминологияси масалаларига бағишланган талайгина ишлар амалга оширилган, лекин унинг илмий — назарий асослари тўлалигича тадқиқ этилмаган. Тадқиқотда ўзбек китобатчилик терминологияси мисолида ўзбек терминологияси шаклланишининг узоқ тарихга эга эканлиги назарий жиҳатдан асосланди. Тадқиқот натижалари ўзбек тили терминологиясининг шаклланиши, тараққиёти, тартибга солиниши каби масалаларини ёритишга, таҳлил қилишга илмий ва амалий жиҳатлардан ёрдам беради. Диссертациянинг ўзбек китобатчилик терминологиясини тартибга солиш, соҳага оид нашрларнинг матн жиҳатидан сифатини ошириш, луғатлар тузиш, китобатчилик, хусусан, нашриётчилик — матбаачилик соҳалари учун кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнлари сифатини оширишдаги амалий аҳамияти катгадир.

**Натижаларнинг жорий ҳилишиши.** Диссертация иш натижаларидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида «Ўзбек тили лексикологияси», «Ўзбек терминологияси масалалари» ҳамда Тошкент давлат маданият институтида «Китоб тарихи» бўйича дарс машгулотларини олиб боришда асосий манба сифатида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг жамоатчилик синовидан ўтиши.** Диссертация мавзуси юзасидан Анқара университетида (1993 йил 16—18 ноябрь), Самарқанд Давлат университетида (2002 йил 25 — 26 ноябрь), Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университетида (2004 йил 18—19 май) ўтказилган халқаро анжуманларда, шунингдек, Нукус Давлат университетида (1992 йил), Ўзбекистон Давлат жақон тиллари университетида (2004 йил 19 март), Иизомий номидаги ТДГТУ профессор — ўқитувчиларининг анъанавий илмий — назарий анжуманларида, «Ўзбек тили» доимий (VII) анжуманида (Наманган, 2003 йил 24 — 25 апрель), Жақон иқтисодиёти ва дипломатия университоти ҳамда Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қамкорликда ташкил этган «Давлат тили таълими муаммолари» (2004 йил 14 май), Тошкент Давлат иқтисодиёт

университетида ўтказилган «Иқтисодий муносабатларни ўрганишда иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланиш зарурияти ва муаммолари» (2004 йил 18 май), Низомий номидаги ТДПУда «Классик мерос ва ёшлар тарбияси» (2004 йил 28 май), «Давлат тили ва таълим жараёни: ечим ва муаммолар» (2004 йил 19 октябрь), «Филологик таълим: муаммо ва ечимлар» (2004 йил 30 ноябрь) мавзуларидаги Республика илмий — назарий анжуманларида маърузалар қилинди.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан республикада қамда хориледа эълон қилинган 30 дан ортиқ илмий мақолаларда, шунингдек, 2004 йилда чоп этилган «Ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши» қамда «Ўзбек китобатчилик терминологияси» номли монографияларда ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотнинг манбалари.** Тадқиқотни яратишда, биринчи навбатда, Алишер Навоий асарларига суяниб иш кўрдик. Қолаверса, ўзбек китобатчилик терминологиясининг илк шаклланиш куртакларини қадимги туркий ёзма обидалар (Ўрхун — Енисей битиклари), XI — XVI асрларда яратилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул — қақойик», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Дақнома», Сайид Аҳмаднинг «Таашшукнома», Сайид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома», Заҳриддин Муқаммад Бобурнинг «Бобурнома»сидан изладик. Айрим терминларнинг қиёсий таҳлилини олиб боришда Туркия ҳамда Россия каби хорижий давлатларда чоп этилган манбалардан ҳам фойдаландик. Синхрон аспектда, яъни ўзбек китобатчилик терминологиясининг бугунги аҳволи, тараққиёт омиллари, тартибга солиш муаммоларини ҳал этишда ўзбек тилшунослиги, терминологияси масалаларига, қолаверса, китобатчилик, хусусан, нашриётчилик — матбаачиликка оид аслий ва таржима асарлар ҳамда терминологик луғатлар асосий манбалар бўлиб хизмат қилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва умумий ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (277 номда) ҳамда илова (китобатчилик терминологиясининг шаклланиш даврига оид терминларнинг изоҳли луғати)дан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 288 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ЗИАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг кириш қисми «Ўзбек китобатчилик терминологияси илмий тадқиқот объекти сифатида» деб номланган. Диссертация мавзусини белгилаш жараёнида *китобатчилик* сўзини термин сифатида муомалага киритиш борасида анча мулоҳаза юритилди. «Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан<sup>1</sup> бу сўз

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдик. — М.: Руский язык, 1981.

ўрин олмаган. Шунингдек, *китобат* ёки *китобатчилик* сўзларининг «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати»да<sup>1</sup> берилмаслиги ҳам тушунарлидир. Демак, *китобат* сўзи архаик сўз сифатида истемолдан чиққан.

Маълумки, илмий адабиётларда китоб яратиш ишини ва у билан боғлиқ жараёнларни ўзида мужассамлаштирган аниқ ва қатъий бир сўз мавжуд эмас. Борлари ҳам рус тилидаги сўзлардан андоза олинган ҳолда қўлланмоқда. Масалан, рус тилидаги «книгоиздательство» — *китоб наириёти, китоб наир этиши иши*<sup>2</sup>; «книгопечатание» — *китоб босиши (чоп қилиши), китоб чиҳариши*<sup>3</sup>; *китоб наир ҳилиши*<sup>4</sup>; «книгопечатное дело» — *китоб наир қилиши ишлари*<sup>5</sup>; «книжное дело» — *китоб иши*<sup>6</sup>; *китобчилик*<sup>8</sup>; *китоб тузиши иши*<sup>7</sup>; *китобатчилик*<sup>8</sup>;

«книгоиздательское дело» — *китоб—наириётчилик иши*<sup>9</sup> каби кўринишларда ифодаланган. Кўриб ўшлганидек, ўзбек тилида китоб яратиш иши билан боғлиқ жараёнларни ўзида ифодаловчи ягона сўз мавжуд эмас. Диссертациямизнинг биринчи бобида кўриб чиқилганидек, Ўзбекистон замида китоб яратиш иши жуда қадимдан мавжуд бўлган. Демак, ўтмишда ушбу ҳодиса мавжуд экан, унинг моҳиятига мос сўз ҳам бўлган. Бу — *китобат* сўзидир. Қадимда *китобат* сўзининг ишлатилиш доираси анча кенг бўлиб, XV—XVI асрларга оид кўлзема манбаларда «*кўчириб ёзиши, асар ёзиши, китоб ҳолига келтириши; ноиа, мактуб; турли ёзувлар, ёзишмалар; ёзув, хат*» каби маъноларда қўлланган. Шунингдек, «*китоб ёзиши, саҳифаларни ёзиб, китоб ҳолига келтириши, кўчириши малакаси*» маъноларида иккинчи термин — *китобат фани* ҳам муомалада бўлган. Демак, китоб яратиш иши қўлда бажарилган даврларда бу жараёнларнинг мажмуаси *китобат* ёки *китобат фани* деб аталган. Кейинчалик, тўғрироғи, XVII—XVIII асрлардан эътиборан китоб яратиш иши тошга ўйиб туширилган босма қолиплар ёрдамида, яъни тошбосма ёки литография усулида амалга оширила бошланди. Бу жараёнлар йиғиндисига нисбатан *матбаачилик* терминининг қўллангани маълум. Фан ва техника ютуқларининг китоб яратиш ишида кенг қўлланиши натижасида бу йўналишда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Унинг маҳсули ўлароқ полиграфия саноати вужудга келди ва бу соҳага нисбатан *наириётчилик, босмахона—наириётчилик, матбаа—наириётчилик*, айрим ҳолларда, *матбаачилик* терминлари қўллана бошланди. Демак, ижтимоий ҳаётдаш ўзгаришлар натижасида китоб яратиш жараёнлари доимий равишда ўзгариб борди ва бу ўзгаришлар шу жараённи ифодаловчи

<sup>1</sup> НоҲусе А.уа Ёобъя. Ноғлдг о'ғ'бек ИП 1ао1 зo'г'1апшд 1гоЪИ 1нд'аП.. — Т.: Збачг, 2001. —336 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Русча—ўзбекча луғат. 1—ж. —Т., 1983. — Б.442.

<sup>3</sup> Ўша ерда

<sup>4</sup> Қаранг: Русча—ўзбекча луғат. — М., 1954. —Б. 294.

<sup>5</sup> Ўша ерда

<sup>6</sup> Ўша ерда

<sup>7</sup> Қаранг: Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. —Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1979. —Б.26.

<sup>8</sup> Ўша ерда

<sup>9</sup> Қаранг: Юлдашев З. Развитие книги — издательского дела в Узбекистане. — Т.: Узбекистан, 1969. —192 с.



терминларда ҳам намоён бўлди. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, китоб яратиш ишини диахрон ҳамда синхрон аспектларда бир ном билан аташ хусусида анча мулоҳазага бордик. Шу боис, ҳар икки аспект нуқтаи назаридан ушбу соҳани ўзида мужассам эта олувчи ном сифатида *китобат* сўзига янгидан жон бахш этиб, уни *китобатчилик* тарзидаги янш термин сифатида муомалага киритишни маъқул кўрдик.

Умуман, нафақат, ўзбек китобатчилик терминологиясининг, балки ўзбек терминологиясининг шаклланиши ҳақидаги билимларга эга бўлмасдан туриб, унинг бутунги ҳолатига объектив баҳо бериб бўлмайди. Ўзбек китобатчилик терминологиясининг тадқиқи ана шу тамойилга асосланган ҳолда олиб борилди.

Биринчи боб «Ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши» деб номланган. Ўзбек китобатчилик терминларининг шаклланиши ижтимоий тараққиёт, айтилиши билан боғлиқ.

Қадимги ёзувларда битилган хилма—хил ёдгорликлардан айримлари бизга қадар етиб келган. Улардан бири Ўрта Осиёда яратилган энг қадимги китоб «Авесто»дир. Бугунги кунда «Авесто» китобининг бундан уч минг йиллар аввал яратилганлиги тўлиқ асосланди. Президентимиз Ислам Каримов бу китобнинг яратилиш тарихи ва ақамияти тўғрисида қуйидагиларни таъкидладилар: «Авесто», яъни «Ҳаёт йўриқномаси» деб аталган бу муаззам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мумтоз асарнинг ақамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Аввало, қадим — қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл —заковати ва қалб кўри билан яратилган, ўн икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча —қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам»<sup>1</sup>.

**«Туркий тошбитикларда китобатчилик терминлари»** деб номланувчи бўлимда қадимги битикларда қўлланган китобатчиликка оид баъзи терминлар ҳақида бақс юритилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, «Авестовдан кейинги даврларда яратилган ва бизга айрим нуқсонлар билан етиб келган қадимги туркий ёзма ёдгорликларда қам китобатчилик билан боғлиқ терминлар мавжуд. Албатта, бу терминларнинг қўлланиши айтилиши соқа терминологиясининг шаклланишидаги илк босқичларга тўғри келади. Кул тигин битиг тоишдаги матнда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «(11) *Табгач ҳа/анта бздизчи кдтртим, бадзд (т) тим. Мднинг сабь/мыш сьшадь!*». «(12) *Табгач қагань/нг ичраки бддизчиг Ыт(т)ь1,*

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Авесто» китобининг 2700 йиллиги II Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. — №. 6. Б. 3.

ангар адъшчът барах йаратурть/м, ичин ташьш, адътчъ/г бддиз уртуртум, таи тоқитдъш...»<sup>1</sup>. Ушбу жумлаларда қўлланилган *бадиз* ва *бадизчи* сўзлари бизнинг диққатимизни тортди. Тўғри, Т.Турсунова таъкиддаганидек, «Матнда қўлланган *бадиз* сўзи безаш, ўймакорлик, нақш ... яна *бадиз* — бадий безаш ...маъноларини англатади. *Бадизчи* сўзи наққош, уста маъносини билдиради»<sup>3</sup>. Бунинг яна бир тасдиғини В.В.Радловнинг луғатидан ҳам топамиз: «1. баддз — украшен!е, скульпторное украшен!е ... 2. бадгзч!ю — скульпторъ, ваятель ...»<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, *бадиз* ва *бадизчи* сўзлари наққошлик, ўймакорликка оид маъноларни англатмоқда. Айни замонда *бадизчи* сўзи хоқонлар нутқини тошга битувчи — «*котиб*» маъносини ҳам ифодаламоқда. Шунингдек, ушбу ёзма обидаларда ёзув, *ёзма асар* маъноларини ифодаловчи туркий *битиг* ~ *битик* сўзи ҳам учрайди, Масалан, Кул тигин битик тошида шундай матн мавжуд: «(13)... Бу *битиг битигмд атьюь/ Йол(л)уг т(дгин)*. Яъни:...бу битиг битилгучининг биродари Йўллуғ тегин»<sup>3</sup>. Тўнюкуқ битиг тошида: «(58) Ш1/р1/к *Билгд қаган длингд битигдим бдн билгд ТонОукуц*. Яъни: Турк Билга хоқон давлатида (бу битигни) бититдим мен билга Тўнюкуқ»<sup>4</sup> ва бошқалар.

Бу ёзма обидалар, асосан, VII—VIII асрларда битилган. Уларда қўлланган *битиг* термини ўзбек китобатчилик терминларининг шаклланишидаги энг муқим давр қисобланган XI—XV асрларга оид ёзма асарларда қам кўплаб учрайди. Бу даврларда *битиг* термини «*китоб*», «*нома*», «*мактуб*», «*хат*», «*ёзув*», «*ҳужжат*» каби маъноларда қўлланган. Тадқиқотда китобатчилик терминологияси шаклланишидаги етакчи терминлардан бири бўлган *битик* термини этимологиясига алоқида тўхталиб ўтилган. Эски ўзбекчада фаол, қозирда қам бўлса — да, қўлланишда бўлган «*ёзув*», «*китоб*», «*хат*» маъноларини ифодаловчи *битик* терминининг *битмоц* феълидан ясалганлиги қаммамизга яхши маълум. Бу қақда туркшунос олим Э.В.Севортян ўзининг «Этимологический словарь тюркских языков»<sup>5</sup> номли китобида турли фикрларни баён қилган. XIII — XIV асрларга оид «Аттуқфатуз закиятун филлуғатит туркиялда *битик* лексемаси «*китоб*» қамда «*ўсимлик*» маъноларини ифодалаши кўрсатиб ўтилган<sup>6</sup>.

А. фон Габен ўзининг қадимги туркий тилга оид тадқиқотларининг якуни сифатида «*бит*» феъли билан боғлиқ баъзи фикрларини беради. Унга кўра: «*БН* — юз, бет; *БШ* — ёзмок; *БШд*, *рИд* — ёзув, ҳарф, мактуб, васиятнома, китоб; *БШдидг* — ёзувчи (котиб); *БШ1* — ёздирмок; *БИкадг* — ёзувчи (котиб)»<sup>7</sup>. Бу ўринда А. фон Габен «бшпшшинг қайси тилдан ўзлашганлиги қақида қеч қандай маълумот

<sup>1</sup> Абдурахмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил. - Т.: Ўқитувчи, 1982. - В. 91.

<sup>2</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. т.1-1У. — СПб., 1893 — 1911. Т. 1. — С. 1622 — 1623.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Г., Рустамов А. Кўрсатилган асар, 91 — бет.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар, 79 — бет.

<sup>5</sup> Карани Севортян Э.В. Этимологический словарь поркских язков. — М.: Наука, 1978. - С. 156.

<sup>6</sup> Карани: Аттуқфатуз закиятун филлуғатит туркия. — Т.: Фан, 1968. — Б. 185.

<sup>7</sup> А. Уон Сабаты. Ейск Тигкрешн Сгашен. — Анкага, 1988. — С. 269.

бериб ўтмайди. Лекин Ёг қақида тўхталганда, уни хитойча рег < Л/ (рз) билан боғлаб, «ёзувли тош» маъносида келганини кўрсатиб ўтади. Айни замонда, Ёг' II р! орқали «ничоқ» маъноси ифодаланишини ёзади<sup>6</sup> ва *ничоқ* лексемаси Ёг' сўзига ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи *дак* (*чоқ*) қўшимчаси қўшиш орқали ясалганини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Туркий тилларда феъл асосга - *ц I - к // - з / - з* аффикси қўшилиши натижасида иш —<sub>1</sub>қаракатнинг натижасини ёки фюълдаи англашилган қаракат жараёни билан боғлиқ бўлган нарса, предметларнинг номини англатувчи от ясалиши мавжуд қолат. Бунда ушбу аффикс «ундош билан тугаган феълларга қўшилганда аффикс олдидан унли ортгирилади: *бъгч + ац*, *қорқ + уз*, *сам + иқ* (*сам + из*) *каби*»<sup>2</sup> ёки *ҳаймоқ -> цайиц*, *бўймоқ -> бўйиц*, *тўшмоқ -> тўшак*, *эламоқ —> элак* ва қ.з.. Бу эса, ўз навбатида, *битик // битиг* лексемасининг, *ничоқ* сўзи сингари, туркий «*би*» билан боғлаган қолда, қадимги туркий тилда *би + т + (и)к* шаклида ясалган бўлиши мумкин деган яна бир хулосага келишимизга асос бўла олади.

Диссертацияда китобатчиликтерминологиясининг шаклланишига доир тақлиллар соҳага оид терминларни қуйидаги лексик — семантик гуруҳларга ажратилган ҳолда олиб борилди:

1. **Қўлёзма асар турларини ифодаловчи терминлар:** *китоб*, *дафтар*, *рисола*, *нома*, *руцъа*, *хат*, *нишон*, *мактуб*, *иншо*, *баёз*, *тафсири*, *шарҳ*, *мусаннаф*, *тасниф* ва бошқалар.

2. Ёзув ашёларини ифодаловчи терминлар: *ҳогоз*, *цалам*, *килк*, *хома*, *битигу*, *довот*, *мицраз*, *миҳрак*, *сиёҳ*, *мидод* ва бошқалар.

3. **Китобатчилик билан шуғулланувчи шахс номлари ва уларнинг фаолиятига оид терминлар:** *хаттот*, *котиб*, *бахши*, *битикчи*, *муниший*, *роқим*, *хушнавис*, *китобдор*, *дабир*, *муҳаррири*, *қаламзан*, *варақнигор*, *мусаввиди авроқ* ва бошқалар.

4. **Китоб қисмларини ифодаловчи терминлар:** *вароқ*, *саҳифа*, *муқова*, *жилд*, *жузв*, *магзий*, *тоқа* ва бошқалар.

Тадқиқотда юқорида кўрсатиб ўтилган терминларнинг этимологияси, маъно англатиш кўлами, ёзма манбаларда қўлланилиши кабилар чуқур тақлил қилинган, Шунингдек, уларнинг қадимги қўлёзма манбаларда қўлланилишига оид қолатлар асарлардан олинган мисоллар билан асосланиб борилган.

«*Китоб*, *мажмуа*, *ёзилган асар*» маъноларини ифодалашда *дафтар* (>Ц, кўплиги *дафотир* термини истеъмолда бўлган.

XIV—XVI асрларга оид асарларда *дафтар* терминининг «*китоб*, *ёзилган асар*» маъноларида қўлланилиши анча фаол бўлган. Айни пайтда, *дафтар* термини «*давлат девонларида ҳисоб—китоб*, *кирим—чиқим*, *даромад ва харажатларга оид ёзувлар қайд этиб бориладиган жилдг*»га нисбатан ҳам қўлланган. Шу боисдан «*давлат*

<sup>1</sup> Қаранг: Кўрсатилган асар, 43—бет.

<sup>2</sup> XV—XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. — Т.: Фан, 1990. — Б. 51.

девонида ҳисоб—китоб ишларини олиб борувчи ва шу ҳисоб—китоб ишлари олиб бориладиган дафтарни сақловчи мансабдор кишилар» дафтардор, «қозихонада ҳукм, васица ва шу каби хужжатларни махсус дафтарга ёзиб борувчи, иш юритувчи шахс» дафтарнавис, «давлатнинг ҳисоб—китоб, кирим—чиқимлари олиб бориладиган идораси» дафтархона терминлари билан ифодаланган. М.Ҳакимовнинг ёзишича, «йирик тарихий—адабий асарларнинг ўзига мустақил ёки бир—бирининг узвий<sup>1</sup>2 давоми бўлган ҳисмлари» ҳам дафтар деб юритилган<sup>1</sup>.

Дафтар терминининг этимологияси ҳақидаги қарашлар ҳам турлича. Хусусан, А.П.Каждан уни юнонча иергаментни англатувчи *дифтера* сўзи билан боғлайди ва форс тилига *дафтар* шаклида ўзлашганини ёзади<sup>2</sup>. «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *дафтар* сўзининг юнон тилидан усмонли турк тилига ўзлашгани ёзилади<sup>3</sup>. «Турк тилининг этимологик лутати»да ҳам *дафтар* сўзининг юнонча *сИрМега* сўзидан олинганлиги ва юнон тилида «хат ёзилган ҳайвон териси» маъносини ифодалагани айтилган<sup>4</sup>. Бошқа бир манбада унинг арабча<sup>5</sup>, яна бирида форсча<sup>6</sup> сўз эканлиги билдирилади. Эронда нашр этилган "Форсча луғат"да ҳам юнонча *сИрМега* сўзининг форс тилига *дафтар* шаклида ўзлашгани ҳақидаги фикр билдирилади<sup>6</sup>.

Дунё маданий тараққиётида Шарқ китобатчилик санъатининг ўзига хос ҳамда бетакрор ўрни бор. Кўкна Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда китобатчилик соҳасининг шаклланиши ва тараққий этиши Шарқ дунёсида илк бор айна шу ҳудуд бағрида қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир. VIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Самарқандда Хитой қоғози сингари сифатга эга бўлган қоғоз тури тайёрлана бошлади. Самарқандда тайёрланган қоғоз турларига нисбатан форсий изофада ясалган *қоғози абришўмий қоғози нимкатоний*

терминлари қўлланган. Тайёр бўлган қоғоз бўлақларини кесишда *муҳраз* деб аталувчи қайчидан фойдаланилган<sup>7</sup>. *Муҳраз* арабча сўз бўлиб, унинг ўзаги «*ҳарз*» (одД) — *кесмоҳдир*<sup>9</sup>. Қоғознинг янада жилодор бўлиши учун уни етти мартагача пардозлашган. Пардозлаш асбобига нисбатан *муҳра* ("А\*") термини ишлатилган. *Муҳра* лексемаси 'форс тилидан ўзлашган бўлиб, «*юмалоқ нарса ёки соқца*» маъносини англаган. Шунга кўра, лексема «*мунчоқ, тасбиҳ; тамга; шахмат донаси*» каби маъноларда ҳам қўлланган.

Муҳра ёрдамида ишлов берилган ялтироқ (жилоли) қоғоз гури Ўрта Осиёнинг барча шақарларида сўнгги вақтларгача *оҳор муҳрали*

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Шарқ қўлёмаларига доир терминларнинг изоҳли луғати // Адабий мерос. - 1983. - №1. - Б. 66-67.

<sup>2</sup> Қаранг. Каждан А.П. Книга и писатель в Византии. — М.: Наука, 1973. — С. 15.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1—ж. — М.: Рус тили, 1981. — Б. 214.

<sup>4</sup> Қаранг: 13т1 2ек1 Еуиѳо§1и. ТОгк ОШнг Ебт1о1 36г Шдй. — 18(аиѳи1: 8обуа1 Уау1и1аг, 1995.

- 5. 172.

<sup>5</sup> Қаранг: Фазълов Э. Староузбекский языкос. Хорезмские памятники XIV века. Т.1. — Т.: Фан, 1966. -С. 335.

б 1 Д V \* ^ V V ^ ^ 4 ^ ц \*\*

<sup>7</sup> Қаранг: Ахунджанов Э. Письмо и книга. — Т.: Узбекистан, 1983. — С. 38.

қоғоз деб аталган<sup>1</sup>. Айни шу қоғоздан турли қўлёзмаларни кўчириш учун махсус *қафтранг* — форсча сўз бўлиб, асли маъноси «*етти ранг*» демакдир) қамда муқованинг ички томонига қўйишда *абри баҳор* (^Ц\*л' — бу сўз форсий изофада ясалган бўлиб, лексеманинг форс тилидаги маъноси «*баҳор булут*» демакдир) деб аталувчи қоғоз турлари ҳам тайёрланган<sup>2</sup>. Қоғозларни муқра билан пардозлаб ишлов берувчи усталар форсча *муҳразан* (Сй>.А<sup>л</sup>) ёки *муҳракаш* (о^Л-\*) терминлари билан аталган<sup>3</sup>.

Қўлёзма китоб яратишдаги энг асосий ёзув қуролларидан бирининг номи *ҳалам* (дй)дир. *Қалам* сўзи асли юнонча (*δαλαμος*) бўлиб, юнон тилида «*ҳамиш*»ни ифодалаган. Бу лексема ўзбек тилига араб тили орқали ўзлашган. Араб тилида *ҳалам* лексемасининг луғавий маъноси «кесилган, тарашланган, кесик»дир\*. Шу маънода *ҳалам* ёзма адабиётда кўплаб учрайди. Баъзи ҳолларда *ҳалам* лексемаси «*хат, ёзув*» маъноларини қам ифодалаб келган. Ўрта асрларда арабча *ҳалам* билан форсча — тожикча *хома* (ЛАЦ ва *килк* (^» терминлари синоним сифатида қўлланилган. *Хома* термини XIV— XV асрларга оид қўлёзма асарларнинг аксариятида учрайди. Лекин *килк* термини ҳақида бундай деб бўлмайти. У кўпроқ Навоий ижодига хосдир.

Қадимги уйғур ёзувли манбаларда ёзув — чизув ишлари билан шуғулланган шахслар *Бахш* | *БШдд*, *Штуа* (*аПтуа*), *каИБ* деб аталган<sup>4</sup>. Маълумотларга кўра, XVI асрга қадар шоҳ саройларида уйғур котиблари ҳам фаолият кўрсатиб келганлар ва улар *бахши* (у^) деб аталган<sup>4</sup>. Е.Поливановнинг ёзишича, *бахши* сўзи асли хитойча бўлиб, «унинг хитой тилидаги шакли «*рак — ш*» (ҳозирги хитой ■ш.лида «*бо — ши*») бўлгани ҳолда туркий тилга мўғул тили воситасида ўзлашгандир. Ушбу хитойча сўз япон тилидаги «*Баказе // Бакиз!*» сўзлари учун ҳам манба бўлиб ҳисобланади»<sup>5</sup>, «Турк тилининг этимологик луғативда *бахш* и сўзи ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Хитойча *рак — ш* (*ро — 5*) ҳам дейилади: *устоз; ёзувчи, котиб* маъноларини англатади)дан *Бахш I - Бакш I*. Бу сўз Анадўли туркчасида у қадар кенг қўлланмаган»<sup>6</sup>. Проф. Э.Р.Тенишев *бахбе* лексемаси уйғур тилининг шарқий лакжасида «*бахши*», «*табиб*», «*шаман*», шунингдек, уйғур тили марказий шеvasининг долан лакжасида *Бадбу* — «*афсунгар*», «*фолбин*»; оксуй лакжасида *Бах5* /, *Бахёу*: *ёуз* /ахзузу «*овчи қушлар ёрдамида ов қилувчи*», кашгар ва ёркент лакжаларида — «(касаллик келтирувчи жинларни қувиш йўли билан) *хасталикни даволовчи*»; уйғур адабий тилида — *Бахз* /; **X** — **XIII** асрларга оид қадимш уйғур ёдномаларида эса, «*устоз*»,

<sup>1</sup> А.А.Семёнова бу қоғоз тури «охори муҳра» дейилган (Қаранг: Семёнов А.А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы//Алишер Навои. — М.,1946. — С. 157.).

<sup>2</sup> Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттоғлик санъати тарихидан. - Т.: Фан, 1971. - Б. 17.

<sup>3</sup> Қаранг. Казиев А.Ю. Художественно—технические материалы и терминология средневековой книжной живописи, каллиграфии и переплётного искусства. - Баку, 1966. - С. 128.

\* Кесилган новдани *қалтирма* дейиш ҳам «қалалининг дастлабки маъноси билан боғлангандир

<sup>4</sup> Қаранг: Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка. — М.: Наука, 1962. — С. 34; Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тefsира XII-XIII вв. - М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. — С. 21.

<sup>5</sup> Поливанов Д.Е. Дальневосточные термины орудий письма // Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А. Э. Шмидта. — Ташкент, 1922. — С. 119.

<sup>6</sup> Гзте! 2ек! ЕунБод1и. Тигк ОШНЕН Еьто1о|1 56x1 идй. — 151аиЫ1: 5о5уа1 Уау1и1аг, 1995. — 5. 68.

«шогирд» маъноларини ифодалаганини ёзади. Шунингдек, БозЛ/, БоШ, Бад-8! кўринишидаги лексик шаклларнинг хитой тилидан ўзлашганини кўрсатиб ўтади<sup>3</sup>. Бошқа бир манбада *бахши* сўзининг *Бахё/, ББаБё1, раБё1, раБу!* шаклидаги кўринишлари келтирилади ва уларнинг «рак-81»га боғлиқлиги таъкидланиб, брахма ёзувларида битилган ёдгорликларга оидлиги айтилади<sup>4</sup>. В.В.Бартольднинг фикрича, *БаБё1* (саикриэта асли — *БЫкёи*) лексемаси Шарқий Туркистондаги уйғур котибларга ҳамда уйғурлар ичида яшаган буддист роҳибларга нисбатан қўлланган. Мўғуллар давлатида *бахши* сўзи «котиб», «маъмур» маъноларини англатган<sup>1</sup>. Шунингдек, «Туркистон ҳукмдорларининг форсча билмаган котиблари ҳам *бахши* деб аталган»<sup>2</sup>. А.К.Боровковнинг изоҳлашича, XII — XIII асрларда Шарқий турк китобатчилигида уйғур котиб (*бахши*)ларнинг ўрни катта бўлган. Улар, асосан, расмий девонхонада фаолият кўрсатганлар<sup>3</sup>.

Махмуд Кошғарий «шоҳ мактубларини турк хати билан ёзувчи котибянинг алимга (1\*л!1) деб аталганлигини ёзади<sup>4</sup>. «Ушбу сўз «Қутадғу билиг»нинг Ҳирот нусхасида *альгмга*, Наманган нусхасида эса *мшимга* шаклида учрайди»<sup>5</sup>. Тилшунос олим Ҳ.Дадабоевнинг ёзишича, Ўрта асрларда *битигчи* сўзининг *битигучи*, *биткачи* каби вариантлари ҳам мавжуд бўлган<sup>6</sup>.

Алишер Навоий асарларини ўрганиш натижасида шундай хулосага келдикки, буюк сўз устаси ўзининг деярли барча асарларида қалам аҳлига ўз муносабатини билдириб ўтади. Уларни таърифлашда йигирмадан ортиқ терминлардан санъаткорона фойдаланади: *хаттот*, *битикчи*, *қаламзан*, *раҷамзсш*, *хушнавис*, *роҳим*, *ҳуруф роҳими*, *муҳаррир*, *муниий*, *раҳамкаш*, *нависанда*, *аҳли ҳалам*, *ҳалам аҳли*, *котиб*, *ёзувчи*, *вараҳнавард*, *вараҳнигор*, *ҳаламкаш*, *мусанниф*, *битгучи*, *бахши*, *дабир*, *мусҳафнавис*, *тасниф аҳли* // *таълиф хайли* ва бошқалар. Албатта, бу кўрсатиб ўтилган терминларнинг ҳаммаси ҳам ҳар доим *котиб* терминининг синоними вазифасини бажаравермайди. Уларнинг қўлланиш даражаси ва маъно англатиш қўламида муайян фарқлиқлар мавжуд бўлган. Масалан, *котиб*, *битикчи* сингари терминлар тайёр ёзилган асарни кўчириш билан шугулланувчи касб эгаларини билдирган. Ёки *мусҳафнавис* термини, асосан, Қуръони Каримни кўчирувчи хаттотларга нисбаган қўлланган. Мазкур термин икки компонентдан, яъни арабча *мусҳаф* ва форсча—тожикча *навис* сўзларидан иборат. *Мусҳаф* сўзи араб тилида икки маънога эга: 1) *китоблар*, *рисолалар тўплами*; 2) *Қуръон*. *Навис* эса сўз бирикмасида келиб, «*ёзувчи*, *кўчирувчи*» маъноларини англатади. Араб дунёсида китоб билан бирга унинг муқовасини ҳам айни вақтда танишган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ваг1о1с1 У.У. Моёо1 ГвШавта Кабаг Тйгк181ап. — Анкага, 1990. — 5. 412 — 413.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 53 — 54 — бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тефсира XII—XIII вв. — М., 1963. — С. 21.

<sup>4</sup> Қаранг: Махмуд Кошғарий. Девону луготут турк. 2—ж. — Т.: Фан, 1960. — Б. 161.

<sup>5</sup> Содиков Қ. Уйғур ёзуви тарихи. — Т.: Маънавият, 1997. — Б. 18.

<sup>6</sup> Қаранг: Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI—XIV вв. — Т.: Ёзувчи, 1991. — С. 44 — 45.

Китобнинг пайдо бўлиши билан бирга муқовачилик ҳам вужудга келди. Арабларда муқоваланган китобга нисбатан ҳам *муҳаф* (оБил») термини ишлатилган. 651 йилда халифа Усмон буйруғи билан йиғилиб таҳрир қилинган Қуръон нусхаси ҳам «*Муҳаф*» деб аталган. Кейинчалик мусулмон халқлари орасида Қуръоннинг ҳар қандай қадимий қўлёзмасини «*Муҳаф*» деб аташ одат тусига кирган. *Муҳаф* сўзининг ўзаги аслида *саҳифа* (ла^ндир. Муқаддас Қуръони Каримнинг Ҳазрати Муҳаммад Пайғамбар (САС) ҳаётликлари давридаги нусхалари *лавҳ* ёки *дафғ* деб аталувчи икки ёғоч тахта орасига тўнланган ҳолда сақланган<sup>1</sup>. Юқорида санаб ўтилган қалам аҳлига оид терминларнинг барчаси ҳам бевосита асар муаллифига нисбатан ишлатилмаган. Муаллифга нисбатан *битгучи*, *тасниф аҳли*, *таълиф хейли* *Н таълиф аҳли* ёки *мусанниф* терминлари қўлланган.

«Қўлёзма (китоб) тайёрлашда ишлатилган муайян бир шакл ва ўлчамга эга бўлган қоғоз, китоб varaги» маъносида арабча *вараҳ* (<1тз) термини истемолда бўлган. Баъзи ҳолларда «*япроҳ*, *барг*, *юз*, *башара*» маънолари ҳам *вараҳ* сўзи орқали берилган: «*Тебран агар бор эса жондин рамаҳ, Қил мени такрор живурма вараҳ*»<sup>2</sup>. Араб тилида *парақ* сўзи «*қоғоз*; *япроқ*; *кумуш танга*, *пул*» маъноларига эга, лекин китобатчилик терминологиясида унинг «*қоғоз*» маъноси фаоллашган. Араб тилида *варақ* сўзи иштирокида ясалган ва қоғоз гурларини ифодаловчи яна қуйидаги терминлар мавжуд:

(варақ абйад) — *оқ қоғоз*, <>—‘дМдз (варақ ар — расм) — *расм қоғоз*, (варақу т—табъ) — *босмаҳона қоғози*, <1н\_>"<1л9 (варақ ул—карбун) — *қора қоғоз (карбон қоғоз)*, ‘-»1 (варақу лафғ) — *ўров қоғози*, ‘-аБЦзэл (варақу нашшоф) — *босма (сиёҳ шимгич, сиёҳ шимадиган қоғоз)*, (варақу—с—санфара) — *қум қоғоз*,

(варақу мақвий) — *картон (қоғоз)* ва бошқалар<sup>3</sup>. Араб тилида *варақ* сўзининг кўплик шакли *авроқ* (<\_з>э!)дир. Макмуд Кошғарийда китоб варағининг *Јапургақ* (<1^эй) дейилгани айтилган. Ушбу сўз «*дарахт япроғипта* нисбатан қам ишлатилган.

Қўлёзма китобларни яхлит қилиб, бириктириб турувчи ва узок сақланишини таъминловчи устки (сирт) қисми *муқова* (\*^1Ц ёки *жилд* (\*!)), бу ишни амалга оширувчи касб эгалари, яъни қўлёзмани муқоваловчи усталар *муқовасоз* (3-\*.^), *саҳҳоф* (<-«Б-э) ёки *мужаллид* (-Б->), муқоваланган китоб эса *мужаллад* (■»!>-•) терминлари орқали ифодаланган. Ўрта асрларда муқовачилик қунармандчиликнинг бир соҳаси сифатида такомиллашди. Саҳҳофлар томонидан муқованинг қандай ашёлардан тайёрланишига кўра уларга нисбатан *картон (мағзий)* *муқова*, *чарм муқова*, *мато муқова* терминлари қўлланган. Қоғоз қирқимларидан тайёрланган картонга нисбатан *мағзий* (с?\_5\*-«) термини ишлатилган. Бундай картоннинг икки тури мавжуд бўлган. Улардан бирининг номи *мағзийи рихта* (4^Ци<д\_я->) бўлиб, «*қуйма*

<sup>1</sup> Қаранг: Халидов А.Б. Книжная культура // Очерки истории арабской культуры V—XV вв. - М., 1982. - С. 300.

<sup>2</sup> Хайдар Хоразмий. Гулшан ул—асрор II Муборак мақдублар. — Т., 1987. — Б. 233

<sup>3</sup> Қаранг: Баранов Х.К. Арабско — русский словарь. — Ленинград, 1946. — С. 1122—1123.

картон» маъносини ифодалаган. *Мағзийи рихта* китобат қилиш жараёнида тўпланиб қолган қоғоз ва эски картон қийқимларини сувда ивитиш орқали олинган қоғоз бўтқасини муайян ўлчамга ва бичимга эга бўлган қолипга қуйиш, сўнгра эса, қуритиш орқали тайёрланган. Иккинчи картон тури *мағзийи сохта* (41^ <\*) деб аталган ва у қоғозларни бир — бирига елимлаш орқали ясалган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, *муқова* ва *жилд* терминлари маъно англатишда маълум бир фарқликка эга бўлган. Хусусан, *муқова* термини, асосан, мағзий (картон)дан тайёрланган муқоваларга нисбатан ишлатилган. Арабча *муқова* сўзининг асл маъноси: (*қава*) — «кучли, *мустаҳкам бўлмоқ*»-, (*қавва*) — «*муст.аҳкам қилмоқ*»■, (*қувватун*), кўплиги (*қувват*) — «*куч, қувват, энергия*»дан *муқова*<sup>2</sup>. Араб тилида *жилд* термини «*чарм муқова*»ни ифодалаган. Кейинчалик ҳар икки термин ҳам муқовага нисбатан қўлланган. Навоийда *жилд* икки маънода қўлланган: 1) *китоб муқоваси*: «*Навоий назмининг авроҳи зулфунгдин паришондур, Анинг жилдига сунбул теридин шероза истармен*»<sup>3</sup>; 2) *тери, чарм*: «*Қон ҳуймай солса рақларига, Жилди ёпишиб сўнгақларига*»<sup>4</sup>.

**«Ўзбек китобатчилик терминологиясининг тараққиёт манбалари»** деб номланган иккинчи бобда айни соҳа терминологиясининг ички ҳамда ташқи манбалар асосида ривожланиши таҳлил қилинади.

**Китобатчилик терминларининг аффиксация усули билан ясалиши.** Ўзбек тилида аффиксация усули билан сўз яшаш энг фаол усуллардан бири ҳисобланади. Бу усулга кўра асосга сўз ясовчи кўшимчалар қўшиш орқали янги сўзлар ясалади. «Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясовчи аффикслар, аниқроқи, сўзнинг морфем структурасида сўз ясовчи сифатида ажраладиган аффикслар жуда кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам янги —янги сўзлар ясалишида қатнашавермайди. Улардан айримлари ҳозирда ҳам янги сўзлар ясалишида қўлланаётган бўлса, баъзи аффикслар эса сўз яшаш функциясини деярли ёки бутунлай тўхтатган»<sup>5</sup>. Ҳозирги ўзбек тилида элликка яқин от ясовчи аффикс мавжуд бўлса —да<sup>6</sup>, уларнинг ўзбек тили терминологик системаларидаги маҳсулдорлик даражалари турличадир. Диссертацияда —*чи*, —*чилик*, —*шунос*, —*навис*, —*гич* (—*гич*, —*ҳич*, —*кич*), —*ма*, —*лик*, —*гар*, —*дор*, —*фуруш*, —*дош*, —*хон*, —*(и)ш*, —*хона*, —*нома*, —*дон*, —*каш*, —*ҳам*, —*но*, —*ча*, —*м* каби аффиксларнинг мазкур соҳага оид терминларни яшашда иштирок этиши, маҳсулдорлик даражалари алоҳида — алоҳида таҳлил қилинади.

Ўзбек китобатчилик терминологиясида —*чи* аффикси иштирокида

<sup>1</sup> Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. — Т.: Фан, 1971. — Б. 20;

<sup>2</sup> Қаранг: Баранов Х.К. Арабско - русский словарь. - Ленинград, 1946. - С. 856.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 4 —ж. Фавондул —кибар. —Т., 1965. — Б. 285.

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли дугати. Тўрт жилдлик. 1-ж. - Т.: Фан, 1983, - Б. 577.

<sup>5</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. — Т.: Ўқитувчи, 1989. — Б. 35.

<sup>6</sup> Қаранг Кўрсотилган асар, 36-бет.



бирор касб, мутахассислик ёки муайян хизмат соҳаси билан шуғулланувчи шахс номларини ифодаловчи терминлар ясалади:

*муҳовачи, ёзувчи, матбаачи, аннотацияловчи, саҳифаловчи, тузатувчи, ҳарф терувчи, ҳарф ҳуювчи, букловчи, матбуотчи* ва ҳоказо. Бутунги фан—техника соҳасидаги кескин ўзгаришлар натижасида китобатчилик соҳасида ҳам янги касб — ҳунар турлари ва уларни ифодаловчи терминлар вужудга келмоқда. Хусусан, китоб нашр этишда компьютер техникасининг кенг қўлланиши билан *компьютерда саҳифаловчи ёки дастурчи—оператор* каби янги терминлар вужудга келди,

Биз —*чи* аффикси ёрдамида ясалган терминларни изоҳлашга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашдик. Агар ушбу масалага диахрон нуқтаи назардан қарасак, бу жараёнда анча ўзгаришлар содир бўлганини кўрамиз. Маълумки, ўзбек тилида — *чи* билан — соз аффиксларининг термин ясашдаги вазифалари бир — бирига анча яқин (—*соз* аффикси *ясаш асоси ифодалаган нарсани ясаш, сошлаш, тузатиш билан шуғулланувчи шахс отини ясайди*). Ҳар икки аффиксга хос бўлган ушбу қолатни мазкур аффикслар иштирокида ясалган ва «*китоб муҳовалайдиган киши, уста*» маъносини ифодалашга хизмат қилувчи *муҳовачи* қамда *муқовасоз* терминлари (Ўрта асрларга оид манбаларда бу терминлар ўрнида араб тилидан ўзлашган *саҳҳоф* қамда *мужаллид* терминларининг муомалада бўлганлиги кузатилади)<sup>1</sup> мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбек китобатчилик терминологиясида *китоб* терминига — *чи* аффиксини қўшиш орқали *китобчи* терминининг ясалиш қолати мавжуд эмас. Лекин турк тилида ушбу қолатни кузатиш мумкин.

; Турк тилида *китобчи* термини «*китоб сотувчи ёки китобни нашр эттириб сотувчи киши*»га нисбатан қўлланади<sup>2</sup>. Ўзбек тилида турк тилидаги ушбу термин англаган маъноларни ифодалашда *китобфуруш // китоб сотувчи* қамда *ношир* терминлари ишлатилади. Айни шунга ўхшаш қолатни турк тилидаги «*қоғоз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ёки қоғоз маҳсулотларини сотувчи киши*» маъносидagi *кадНд*[ (қоғозчи) термини мисолида ҳам кўришимиз мумкин<sup>3</sup>. Бунда қам ўзбек тилида *қоғоз +чи* — *қоғозчи* кўринишидаги термин ясалиши амалда мавжуд бўлмай, унинг ўрнида *қоғоз +соз* — *қоғозсоз* шакли мавжуддир. Ўтмишда *қоғозсоз* термини ўрнида *қоғоз сўзига асос ифодалаган нарса* — қодиса билан боғлиқ касбни қилувчи шахсни билдирадиган от ясовчи — *гар* аффиксининг қўшилиши натижасида ясалган *қоғозгар* термини муомалада бўлган.

—*чилик* аффикси. Бу аффикс шахс оти ясовчи — *чи* ва мавҳум от ясовчи —*лик* аффиксларининг бирикувидан қосил бўлган (—*чи*+*лик* > —*чилик*). У асосдан англашилган нарса — предмет тайёрланадиган

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Шарҳ қўлёзмаларига доир терминларнинг қисқача изоҳли луғати У/Адабий мерос. —1985. — № 2(33). —Б. 89; Навоий асарлари учун қисқача луғат. —Т.: Фан, 1993. — Б. 249.

<sup>2</sup> Қаранг: Тўғр'е 86г'йк. - Алсага, 1988. - Б. 878.

<sup>3</sup> Қаранг: Кўрсатилган асар, 760 — бет

соҳани билдирадиган терминлар ясайди: *китобатчилик*, умуман, китоб тайёрлаш ишини қам тарихий, қам бугунги кун нуқтаи назаридан ўзида мужассамлаштирган соҳа, касб ва бошқалар. Мазкур термин таркибидаги —*чи*, —*лик* аффикслари мустақил аффикслар сингари кўринади. Лекин бу

ҳолатни *муцовачилик*, *матбаачилик* терминларидаги ҳолат билан тенглаштириб бўлмайди. *Муцовачилик*, *матбаачилик* терминларида асосга —*чи* аффиксини қўшиш орқали касб эгасини билдирувчи *муцовачи*, *матбаачи* терминлари ясалган. Сўнгра уларга —*лик* аффиксининг қўшилиши билан соҳа номини билдирувчи терминлар ясалган, Чунки *муцовачи*, *матбаачи* терминлари айти шу шаклда мустақил термин ўлароқ амалда қўлланади. *Китобатчилик* терминида бошқача ҳолат кузатилади. Бунда бевосита асосга (*китобат*) —*чилик* аффиксининг қўшилиши натижасида соҳа номини (*китобат +чилик*) англатувчи термин ясалган. *Китобат* терминига *матбаачи*, *муцовачи* сингари — *чи* аффиксини қўшиш орқали *китобатчи* шаклида термин ясалиши мавжуд эмас. Таъкидлаш лозимки, *қоғозсозлик* термини — *лик* аффикси орқали, *қоғозчилик* эса, —*чилик* аффикси билан ясалган терминлар сирасига киради. Бунинг сабаби бор, албатта, Чунончи, *қоғозсозлик* термини *қоғоз* сўзига —*соз* ҳамда —*лик* аффиксларининг қўшилиши натижасида ясалган, яъни: *қоғоз +соз +лик*. Бунда *қоғозсоз* мустақил термин сифатида муайян маънони ифодалайди ва унга —*лик* аффиксининг қўшилуви билан *қоғозсозлик* ясалган. Бу типдаги сўзларда охириги —*лик* аффиксидан қолган қисми ҳам мустақил лексема сифатида қўлланиши мумкин<sup>1</sup>. *Қоғозчилик* терминида ундай эмас, ўзбек тилида *қоғозчи* мустақил лексема сифатида қўлланмайди. Шу сабабдан, *қоғозчилик* терминида —*чилик* яхлит бир аффикс сифатида ажралади, яъни унинг — *лик* аффиксидан қолган қисми мустақил лексема сифатида қўлланмайди. Демак, бундай ҳолатнинг мавжудлиги «қозирги ўзбек тилида иш фаолиятнинг маълум соҳасини билдирувчи бир бутун ҳолдаги —*чилик* аффикси борлигини тасдиқлайди»<sup>2</sup>.

**Китобатчилик терминларининг синтактик усул билан ясалиши.** Сўнги йилларда барча соҳаларда замонавий техник жараёнларнинг такомиллашуви ва уларнинг ишлаб чиқаришга кенг қўламда кириб келиши натижасида улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалаш учун кўплаб бирикма шаклидаги терминлар яшаш анъанаси кучайди. Термин яшашнинг синтактик усули ҳақида гап кетганда, асосан, бирикма шаклидаги термин яшаш ҳолати тушунилади. Ҳар қандай соҳа терминологиясида бирикма шаклидаги терминлар сони бошқаларига нисбатан салмоғи жиҳатидан биринчи ўринда туради<sup>3</sup>. Хусусан, ўзбек китобатчилик терминологиясида ҳам, химия, қурилиш, фармацевтика, техник терминологиялардаги сингари, яқка сўзли

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳожиёв А. Кўрсатилган аср, 45—бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар, 46—бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания. — М.: Наука, 1977. - С.131.

терминларга нисбатан синтактик усул билан ясалган терминлар анча салмоқли ўринни эгаллайди<sup>1</sup>. Тадқиқот ишимизни олиб бориш жараёнида китобатчилик соқасига оид бир талай луғатлардан фойдаланиб, 4500га яқин термин билан ишладик. Шу нарса ойдинлашдики, ушбу 4500 терминнинг 3160 тасини, яъни 70 фоизини икки ва ундан ортиқ компонентдан иборат бирикма шаклидаги терминлар ташкил этар экан.

Маълумки, «ҳар бир тил ўзига хос грамматик қонуниятлар асосида иш кўради. Бунинг ёрқин намунасини сўзлар бирикмаси мисолида кўриш мумкин. Масалан, рус тилидаги бирикма терминлар таркибидаги сўзлар бир —бири билан аксарият қолларда *нисбий сифат +от* тарзида бирикади. Ўзбек тилида эса *нисбий сифат +от* типидagi бирикма терминлар кам учраса, *от +от* типидagi бирикма терминлар ниқоят даражада кўп ишлатилади»<sup>2</sup>. Ўзбек техник терминологияси материалларига асосланган ҳолда айтилган бу фикрлар ўзбек китобатчилик терминологияси учун кам умумийдир. Бунда компонентлар ўртасидаги грамматик боғланиш, асосан, битишув йўли билан юзага келган бирикувдир. «Форма жиқатдан бой ва мураккаби эса бошқариш йўли билан алоқага киришган боғланишдир. Мослашув йўли билан юзага келган бирикув эса тарқалиш эътибори билан бир қадар чеклангандир»<sup>3</sup>. Қўйида китобатчиликка оид икки компонентли бирикма шаклидаги терминлар таркибидаги сўзларнинг туркумлари нуқтаи назаридан тақлил қиламиз:

1. *От+от* типида тузилган бирикма шаклидаги терминлар. Бу типга оид атрибутив, яъни аниқловчи ва аниқланмишдан тузилган бирикма шаклидаги терминлар «тобе компонентнинг қоким компонентга бирор грамматик кўрсаткичсиз — битишув синтактик алоқаси усулида қосил қилинган бўлиб, туркологик адабиётларда I—тип изофа деб юритилади»<sup>4</sup>. Демак, туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида бу типдаги бирикма шаклидаги терминларда уларнинг компонентлари бир —бири билан изофа орқали бирикиб келади. «Изофа уч хил кўринишга эга: I тип изофада қар иккала компонент мутлақо грамматик белгисиз бўлади. II тип изофали бирикмада эса биринчи компонент бош келишиқ формасида, иккинчи компонент эса эғалиқ қўшимчаси билан келади. III тип изофада биринчи компонент қарағқич келишиги формасида, иккинчи компонент эса эғалиқ қўшимчаси билан келади»<sup>5</sup>. Ўзбек китобатчилик терминологиясида ҳам қар учала тип изофали бирикмалар мавжуддир:

<sup>1</sup> Қаранг: Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. — Т.: Фан, 1977. — 160 б.; Касьямов А.И. Фармацевтическая терминология современном узбекском языке: к: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1982. — 20 с.; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1984. — 22 с.; Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1986. — 23 с.

<sup>2</sup> Дониёров Р. Кўрсатилган асар, 99 —бет.

<sup>3</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Икки жилдик. 2— жилд. — Т.: Фан, 1976. — Б. 30.

<sup>4</sup> Ўзбек адабий тилининг таракқиети. Уч жилдик. 2 —ж. — Х; Фан, 1989. — Б. 121 — 122; Яна қаранг: Баскаков А.Н. Словосочетания в современном турецком языке. — М.: Наука, 1974.

— С. 109 — 112; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного язык-ка. — М., -Л., 1960. - С. 354.

<sup>5</sup> Дониёров Р. Кўрсатилган асар, 99—100 —бетлар; Яна қаранг: Майзель С.С. Изафет в турецком языке. — М., — Л.: Изд— во АН, 1957. — 185 с.

а) *I тип изофали бирикмалар*: ёғоч муқова, чарм муқова, тахта муқова, крғоз муқова ва бошқалар;

б) *II тип изофадаги бирикмалар*. Айни соқа герминологиясида *OT+OT* типдаги икки компонентдан иборат бирикма шаклидаги терминлар орасида II тип изофадаги бирикмаларнинг салмоғи анча юқори. Бундай бирикмалар бирор предмет, нарса, воқеа — кодисаларнинг иккинчи предмет, нарса ёки кодисага қарашлилигини, мансублигини англатади: *китоб аппарати, наириёт аннотацияси, наириёт кутубхонаси* ва бошқалар.

в) *III тип изофали бирикмалар*. Бундай бирикмаларда аниқловчи компонент қаратқич келишиги, аниқланмиш компонент эса эгалик кўшимчаларини олади. Масалан: *китобнинг чўнтакчаси, китобнинг ҳисмлари, наириётнинг элементлари* ва бошқалар.

2. *Сифат+от* типда ясалган бирикма шаклидаги терминлар. Соқа терминологиясида *сифат+от* типи бирикма шаклидаги термин яшанинг энг сермақсул усулларидан қисобланади. Айни соқа терминосистемасида бирикма шаклидаги терминнинг аниқловчи компоненти туб ёки ясама сифатдан иборат бўла олади.

а) *туб сифат +от* типдаги бирикма шаклидаги терминлар ўзбек тили терминологиясида салмоқли ўринни эгаллайди. Лекин бу кўриниш ўзбек тилининг барча терминосистемаларида бир хилда эмас. Хусусан, китобатчилик терминологиясида бундай типда ясалган терминлар сони нисбатан кам: *ноёб наири, ҳалин цоғоз, ютца цоғоз, оқ қоғоз, цора сиёҳ, ҳизил сиёҳ* ва бошқалар.

б) *ясама сифат +от* типдаги бирикма шаклидаги терминлар. Одатда, ясама сифатлар сўз ясовчи аффикслар ёрдамида ясалади. Бунда сифат ясовчи аффикслардан бир қанчаси иштирок этади. Шунингдек, бу аффикслар ёрдамида турли маънодаги сифатлар ясалади ва унинг бу маъно доираси бирикма шаклидаги терминнинг маъно англатиш доирасига ўз таъсирини тўлиқ кўрсатади:

—*ли* аффикси сифат ясовчилар ичида энг фаоли қисобланади ва у от туркумига оид сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган предметга эгалик, алоқадорлик, тегишлилик маъноларини ифодалаб келади: *ваҳтли наири, давомли наири, рулонли фольга, корешокли китоб* ва бошқалар.

— *ма* аффикси. Айни соқа терминологиясида бирикма шаклидаги терминнинг аниқловчи қисмини ифода этишда —*ма* аффикси анча фаол. Шу туфайли бу аффикс иштирокида ясалган бирикма шаклидаги терминларнинг салмоғи бирмунча катга: *кўчма босмаҳона, ҳуйма стереотип, ҳоплама материал, ўйма ҳолип, ҳўлэзма китоб, босма ҳолип* ва бошқалар.

3. *Сифатдош +от* типдаги бирикма шаклидаги терминлар. Ҳозирги ўзбек тилида сифатдош ясовчи энг фаол аффикслардан бири —*ган* аффиксидир. Бу аффикс ўзбек тилида, асосан, ўтган замон сифатдошини ясайди. Лекин бу аффикс орқали

ясалган ўтган замон сифатдоши билдирган ҳаракат келгусига оид кам бўлиши мумкин. «Унинг ўтган замон деб қаралиши тусланишли формадаги феъл билдирган қаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан бўлади»<sup>1</sup>. Аниқловчи компоненти — *ган* аффикси билан ясалган сифатдошдан иборат икки компонентли бирикма шаклидаги терминларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *тўлдирилган наир*, *мослаштирилган наир*, *ўзгартирилган наир* ва бошқалар.

Юқорида икки компонентли бирикма шаклидаги терминлар ҳақида фикр юритдик. Ўзбек китобатчилик терминосистемасида ўзининг ясалиши жиқатидан икки компонентли терминларга нисбатан янада мураккаброқ бўлган уч ва ундан ортиқ компонентли бирикма шаклидаги терминлар ҳам мавжуд. Улар қақида диссертацияда атрофлича фикрлар билдирилган.

**Ўзбек китобатчилик терминологиясининг ташқи манбалар асосида тараққий этшии.** Ўзбек тили лутат таркибининг бойишида ички манбалар муҳим манба ҳисобланса — да, «дунёдаги ҳеч бир тил фақат ўз ички ресурсларигагина таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари, ўз қатлам бойлиги ва имкониятларигагина кифоя қилмайди. Ўзбек тили луғат составининг бойиши ва такомиллашувида ташқи манба муқим роль ўйнайди»<sup>2</sup>.

Тадқиқотда ўзбек китобатчилик терминологиясининг ривожланишида араб тилининг тутган ўрни алоҳида очиб берилган. Чунки айни соҳа терминологиясининг шаклланиши ва тараққий этишида араб тилининг ўрни бениҳоя каттадир. Алишер Навоий асарлари лексикасики ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, «Алишер Навоий асарларида бу темага (ёзув ва унга боғлиқ бўлган сўзлар — И.Й.) доир 136 та сўз қайдланган. Шулардан фақат бир сўз (*туркча* — ёзувнинг тури) ўзбекча ва бир сўз (*нависандалик*) форсча — тожикча ва ўзбекча, яна икки сўз (*мужаллидлик*, *муллолик*) ўзбекча ва арабча морфемалар қўшилишидан ясалган. Қолган барча сўзлар форсча — тожикча, арабча ҳамда уларнинг сўз ясовчилари қўшилиб келган ҳолда учрайди»<sup>2</sup>. Б.Бафоев ўз тадқиқоти натижаси сифатида айтадики, ёзувга доир терминларнинг 81 тасини арабча, 37 тасини форс—тожикча терминлар ташкил этади<sup>3</sup>. Демак, китобатчиликка оид терминларнинг салмоқли қисмини араб тилидан ўзлашган терминлар ташкил этади.

Айтиш мумкинки, ўзбек тилига ўзлашиб, бугунги кунда муомалада бўлиб турган арабизмларнинг барчасида ҳам маъно англатиш даражаси аслий манба тилдаги маъно даражаси билан уйғунлашмайди. Масалан, *жадвал* терминининг дастлабки маъноси китобатчиликда энг кўп қўлланган безак турларидан бирини англатган бўлса, бугунги кунда унинг семантикасида кескин ўзгарйш

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Икки жилдлик. 1 — ж. — Т.: Фан, 1975. — Б. 511.

<sup>2</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. — Т.: Фан, 1983. — Б. 150.

<sup>3</sup> Қаранг: Кўрсатилган асар, 150 —бет.

содир бўлган. Натижада, *жадвал* лексемаси ўзининг бугунги маъно англатиши жиқатидан мустақил термин сифатида китобатчилик терминологияси тизимидан чиқиб кетди. У қозирги ўзбек адабий тилида «муайян шакл асосидаги маълумотлар; дарс, машғулот, фаолият хатти — қаракатларнинг тартиб рўйхати» каби маъноларни ифодаламоқда<sup>3</sup>. Худди шунингдек, *рацам* лексемаси қам аввалги «*ёзув, битиш*» каби аслий маъноларини бутунлай йўқотган. Тарихий тараққиёт жараёнида маъно қажмининг тамоман ўзгариши, лексик маънонинг аввалгисига нисбатан фарқли воқеликни билдириши туфайли янги мазмун касб этган; «1. Сонни ифодаловча график белги. 2. Бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич. 3. Бир турдаги предметларга тартиб билан цўйилган сон»<sup>1</sup>. Ёки муҳаррир терминини кўрайлик, дастлаб «*асар ёзувчи, муаллиф*», «*тахрир қилувчи*» маъноларида қўлланган бўлса, бугун унинг «*тахрир қилувчи*» маъносигина сақланиб қолган. *Тахрир* сўзининг ҳам араб тилидаги «*асар ёзиш*» маъноси ўзгариб, илмий терминологияда «*нашрга тавсия этилаётган асарнинг бугунги ижтимоий, сиёсий, илмий, гоъвий, адабий талабларга шаклан ва мазмунан уйғун келиши, яъни асарнинг ижтимоий цийматини белгилаш ҳамда муаллифга асарни тўлиқ нашрга тайёрлашда ёрдам кўрсатиш жараёнлари*» тарзида ифодаланади. Бундан ташқари, нисбатан кейинги даврларда китобатчилик ишининг тараққий этиб бориши билан араб тилидан яна бошқа янги терминлар ҳам ўзлаштирилди. Масалан: *матбуот, нашриёт, нашр*, ношир, *матбаа* ва бошқалар. Айни замонда, арабча ўзлашмаларнинг баъзилари ўзбек тилининг ички қонуниятларига тўлиқ бўйсунган ҳолда ўзбек тилидаги сўз ясовчи қўшимчалар олиш орқали янги сўзлар ясалишида фаол иштирок этмоқда.

Бундай терминлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: *муқовачи, муқовачлик, муқовалаш, матбаачи, матбаачилик, ноширлик, нашриётчи, нашриётчилик, муҳаррирлик, тахрирлаш, саҳифалаш, жилдлаш, таснифлаш, китобшунослик, матншунослик, муқовашунослик, хаттошлик, штобатч илик* ва бошқалар.

Маълумки, «қозирги ўзбек тили лексикасида анчагина тожикча сўзлар бўлиб, ўзбек тили лексикасида туркий сўзлардан кейин миқдор жиҳатидан иккинчи ўринда туради»<sup>2</sup>. Албатта, айтилган бу фикрлар умумий ўзбек тили лексикаси учун тегишлидир. Ўзбек тилининг барча герминологик системаларида бу миқдор кўрсаткичи бир хилда эмас. Масалан, ўзбек қурувчилик ; терминологиясида форсча — тожикча ўзлашмалар арабча ўзлашмаларга нисбатаи кўп миқдорни ташкил этади<sup>2</sup>. Лекин ўзбек китобатчилик терминологиясида бунинг тамоман аксини кўрамиз, яъни форсча — тожикча ўзлашма терминлар арабча ўзлашмаларга нисбатан анча кам миқдорни ташкил этади. Бу қодиса, айниқса,

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лутати. Икки жилдлик. 1-ж. — М.: Русский язык, 1981. — Б. 617.

<sup>2</sup> Ўзбек тили лексикологияси. — Т.: Фан, 1981. — Б. 97.

синхрон аспектда янада якқол кўзга ташланади. Чунки айна соқа терминосистемасида диахрон аспектда соф қолдаучровчи форсча — тожикча терминлар мавжуд бўлган бўлса, синхрон аспектда (назм ва наср тилида «мактуб» маъносида қўлланувчи нома терминидан ташқари) бундай қолат деярли кузатилмайди. Улар аксарият қолларда форсча — тожикча аффикслар, префикс ва аффикслашган сўзлар ўзбекча ёки арабча сўзлар (асос)га қўшилиб келади. Ёки «тожик тилида соф арабча негизлар асосида тожикча морфемалар ёрдамида кўп миқдорда янги сўзлар вужудга келтирилди. Бу сўзлар поэтик нутқ, расмий ёзишмалар тили ва илмий услуб учун қулай ва зарурий сўз ва терминлар эди. Ўзбек тили мана шундай нутқий воситаларга муқтожлик сезганида буни тожик тилидан олди»<sup>1</sup>. Бундай терминлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: *китобдор // китоббардор, китобсоз, китобхон, китобхона, раҳамзад, раҳамкор, ҳироатхона, ҳаламтарош, ҳозозфуруш, китобфуруш, сарлавҳа, жадвалкаш* ва бошқалар.

Диахрон аспектда соф қолда учровчи форсча — тожикча ўзлашмалар: *килк, сиёҳ, фихраст, хома, хомазан, хоматарош, исканжа, муҳра, нол, нома, номабар, номаоро (хушхат котиб), нависанда, хушнавис, нигор, нигоранда, нигориш, нигорхона, нишон, рўзнома, сарнома, сарсухан, шероза* ва бошқалар.

Тадқиқот ишида ўзбек китобатчилиқ терминологиясининг тараққий этишида. рус тили ва у орқали Европа тилларидан олинган ўзлашмаларнинг ўрни кенг тақлил қилинади. Диссертацияда уларни сўз ўзлаштириш усуллариининг турларига кўра алоҳида — алоҳида кўриб чиқилган.

**1. Рус тили ва у орқали Европа тилларидан терминларни ўзича, яъни зўсч қандай ўзгаришсиз ўзлаштириш.** Ўзбек китобатчилиқ терминологиясида рус тили ва у орқали Европа тилларидан айнан ўзлаштирилган терминлар миқдори анчагина бўлиб, улар ўзбек тилига, асосан, рус тилидан бевосита олинган. Лекин бу лексемалар ичида генетик манбаларига кўра турли тилларга мансуб, яъни рус тилининг ўзи учун ҳам ўзлашма қатлам ҳисобланган луғавий материал мавжуд. Шунинг учун ўзбек китобатчилиқ терминологиясидаги мавжуд рус тили ва у орқали Европа тилларидан айнан ўзлашган терминлар генетик — этимологик манбага кўра иккига бўлинади:

**1. Рус тилининг ўз терминлари:** *корешок, оттиск, гранка, атлас, завод, полоса* ва бошқалар.

**2. Рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган терминлар.** Буларнинг генетик — этимологик тақлили қуйидаги кўринишга эга:

а) грек тилидан рус тили орқали ўзлашган терминлар: *фототипия (п!ю!оз — ёрутлик, нур ва (уроз — намуна, тамға, қолип, из),*

<sup>1</sup> Ўзбек тили лексикологияси, — Т.: Фан, 1981. — Б. 98.

*типография* (*Туроз* — намуна, тамға, қолип, из ва *дгарко* — ёзаман), *термография* (*кекте* — иссиқ ва *дгарко* — ёзаман), *стереотипия* (*зегеоз* — қаттиқ ва *куроз* — намуна, тамға, қолип, из), *монотип* (*топоз* — бир ва *Туроз* — намуна, тамға, қолип, из), *диазография* (*сИ* — икки ҳисса (азот) ва *дгарко* — ёзаман), *ксерография* (*хегоз* — курук ва *дгарко* — ёзаман), *криптография* (*кгурлоз* — махфий ва *дгарко* — ёзаман), *литография* (*Шкоз* — тош ва *дгарко* — ёзаман), *логограмма* (*Лодоз* — сўз ва *дгатта* — ёзув белгиси), *термография* (*кекте* — иссиқ ва *дгарко* — ёзаман), *полиграфия* (*ролуз* — кўп ва *дгарко* — ёзаман), *параграф* (аслн «*рагадтарко*»дан *ратадгаркоз* ясалган — ёнидан ёзаман: расмий ҳужжатларда § белгиси ҳамда тартиб сон билан белгиланадиган матннинг мустақил бир қисми; § белгисининг ўзи) ва бошқалар.

б) лотин тилидан рус тили орқали ўзлашган терминлар: *капитал* (*сарйеПит* — бош, каллак), *корректор* (*соггес!ог* — тўғриловчи, тузатувчи), *корректур* (*соггекНо*, *соггесЛига* — тўғрилаш, тузатиш), *контртитул* (*соШга* — қарши ва *Шулиз* — ёзув, сарлавҳа), *репродукция* (*ге* — лотин тилидаги олд қўшимча бўлиб, янгилаш, ҳаракатни такрорлаш каби маъноларни ифодалайди ва *ргоНисИо* — ишлаб чиқариш ҳамда асар), *ротатор* (*го!о* — айлантираман > *го(а!ог* — айлантирувчи), *серия* (*зепез* — қатор), *сигнатура* (*згдпаШга* — ифодаламақ, кўрсатмоқ);

в) француз тилидан рус тили орқали ўзлашган терминлар: *тираж* (*Игаде*) — нусхалаш, босиш), *медиеваль* (*тесПеуаI* — ўрта асрга оид), *буклет* («*Буислелле*» — бежирим узук, ҳалқача), *брошюра* («*Бгоспег*» — тикмоқ > «*Бгоските*» — тикилган), *журнал* («*оигпаI*» — кундалик, газета), *панье—маше* («*рар!ет таске*» — эзилган қоғоз);

г) нелшс тилидан рус тили орқали ўзлашган терминлар: *диамант* («*IЛатапI*» — олмос): *ляссе* («*БезететБен*» — лентали хатчўп), *декель* («*ОескеI*» — қоплама) ва бошқалар.

Ўзлашма терминлар орасида компонентлари Европа тиллари элементларидан иборат бўлиб, муайян тилда ясалгандан кейин рус тилига ва у орқали ўзбек тилига ўзлашган терминлар кам мавжуд. Масалан, немисча *KolonnenШел* қўшма сўзи рус тилига ва у орқали ўзбек тилга *колонтитул* шаклида ўзлашган. Бу термин аслида немис тили негизида икки хорижий компонентларнинг қўшиливи натижасида ҳосил бўлган: французча «*colonne*» (устун), лотинча «*Шулиз*» (ёзув, сарлавҳа). Шунга ўхшаш, немисча *KolonnenШег* қўшма сўзи рус тилига *колонцифра*, ўзбек тилига *колонцифр* шаклида ўзлашган. Немис тилида бу сўз французча «*colonne*» (устун) қамда поляк тилидан немис тилига ўзлашган дея тахмин қилинган «*гШег*» (бу сўзнинг дастлабки ўзлашма манбаси арабча «*э\*"*»дан бўлиб, унинг бирламчи маъноси «*ноль*», кейинчалик «*рацам*», «*сон*» маъноларида қўллана бошланган. Ушбу элемент италянчага «*сШа*»,



французчага «скШте», англизчага «сШет» шаклида ўзлашган)<sup>1</sup> сўзларининг кўшилиувидан ясалган.

Шунга ўхшаш ҳолатлар француз тили воситасида қам амалга ошган. Масалан, ўзбек ва рус тилларидаги *туашь* термини рус тилига француз тилидан ўзлашган. Унинг француз тилидаги шакли «*доиасЪе*» бўлиб, италянча «*диагго*» (сувли бўёқ)нинг француз тилидаги ўзлашма шаклидир. *Бюллетень* терминининг этимологик илдизи янада чуқурроқ: лотинча «*Bulle*» (муқрланган кўжат) > италянча «*БиИЕИно*» (ёзув, ёзма қайд, варақа) > французча «*БиИЕИп*» (сайлов қоғози; журнал; маълумот; қвитанция)<sup>2</sup>.

ii. Рус тили ва у орқали Европа тилларидан терминларни калькалаб олиш. Тил луғат таркибини янги сўзлар билан бойитишда калькалалаш ҳам муқим ўрин тутади. Калькалалаш орқали содда сўзлар билан бирга кўшма сўз ҳамда бирикма шаклидаги терминлар қам ҳосил қилинади<sup>3</sup>. Ўзбек китобатчилик терминологияси таркибига кирувчи терминларнинг муайян қисми калькалалаш йўли билан ўзлашгандир.

Тўлиқ калькалалашда бошқа тилдаги терминга мос келувчи эквивалент ўзбек тили материали асосида ганланади. Бунинг натижасида ўзбек тилида мутлақо янги лексик бирлик пайдо бўлади. Масалан, рус тилидаги *рукопись* термини ўзбек тилига *хўлёзма* тарзида калькаланган. Тўлиқ калькалалаш, асосан, сода,а (ясама), кўшма сўз ва бирикма сўз шаклидаги терминлар доирасида рўй беради. Қуйида улар билан танишиб чиқамиз.

1. Сода,а (ясама) терминларни тўлиқ калькалалаш. Калькалалашнинг бу усулида сўзнинг ўзак — негизига ва сўз ясовчиларига муқобил бўла оладиган ўзак — негиз ва сўз ясовчилар танланиб, янги бир лексик бирлик ясалади. Масалан, *копирование* — *нусхалаш*, *верстальщик* — *саҳифаловчи* ва бошқалар.

2. Кўшма сўз шаклидаги терминларни тўлиқ калькалалаш. Бунда терминнинг ҳар бир компонентига уйғун келувчи ўзбекча элементлар танланади. Соқа терминологиясида унинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

— русча кўшма сўз шаклидаги термин калькаланганда ўзбек тилида унинг кўшма сўз шаклидаги терминлик хусусияти айнан сақланади: *книголюб* — *китобсевар*, *книгодержатель* — *китобтутци* ч;

— русча кўшма сўз шаклидаги термин тўлиқ калькаланганда ўзбек тилида бирикма шаклидаги термин юзага келади: *книгоиздательство* — *китоб наширётти*, *книгообмен* — *китоб айирбошлаш*, *книгоснабжение* — *китоб таъминоти* ва бошқалар.

2. Бирикма сўз шаклидаги терминларни тўлиқ калькалалаш: *ноуное издание* — *илмий нашир*, *печатная форма* — *босма шакл*, *портативное издание* — *ихчам нашир* ва бошқалар.

<sup>1</sup> Қаранг: *Этимологический словарь русского языка*. — М.: Типогр. Г.Лисснера, 1910—1914. - С. 51.

**Русча ёки Европа тилларига оид терминларни ярим калькалаш.** Калькалашнинг бу турида ҳар икки тилга оид элементлар аралаш иштарок этади. Айни соҳа терминологиясида ярим калькалаш кўйидаги кўринишлари мавжуд: содқа (ясама) терминларни ярим калькалаш (*фальцов/цик — фальцовкачи*), кўшма сўз шаклидаги терминларни ярим калькалаш (*фотокопирование — фотонусхалаш*), бирикма шаклидаги терминларни ярим калькалаш (*реферативное издание — рефератив нашр*) ва бошқалар.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек китобатчилик терминологиясини тартибга солиш муаммолари**» деб номланган. Ўзбек тилшунослигида соқавий терминологияларни тартабга солиш масаласида бир қанча ишлар амалга оширилган. Лекин терминларни тартибга солиш масаласи барча соқа терминологияларида қам бир хилда олиб бориляпта деб бўлмайди. Бу йўналишда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Терминларнинг «аниқлиги ва қатъийлашиши шу миллатнинг фани, маорифи, маданияти даражасини кўрсатади. Атамаларнинг ривожланиши, тартибга солиниши фаннинг ҳар хил соҳаларида турлича бўлиб, маълум фаннинг тараққиётига боғлиқ. Бу тараққиёт тўхтовсиз бўлгани учун янги атамаларнинг келиб чиқиши, тартабга тушиши ҳам узлуксиз бўлади. Умуман, она тилида атамаларнинг пухта ишланишига, тартибга солиниши дарслик ва қўлланмалар тузиш учун ҳам, она тилида дарс олиб бориш учун ҳам зарур бўлган манбадир. Атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги нутқ услубига ҳам таъсир этади»<sup>1</sup>. Демак, терминологияни тартибга солиш нафақат илмий соҳада, балки ижтимоий қаётда қам аҳамияти катта бўлган масаладир.

Ўзбек китобатчилик терминологиясидаги энг асосий нуқсонлардан бири термин--синонимлар ёки дублетлиликнинг мавжудлигидир. Китобагчилик терминологиясида бундай қолатларнинг мавжудлиги айни соқанинг узок тарихга эга эканлиги билан қам белгиланади. Чунки «узок тарихий давр мобайнида шаклланган ва ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлган фанлар турли дублет терминларга бойдир. Ушбу қолат муайян фанларнинг тўхтовсиз ривожланиши, янш — янги зушунчаларнинг, бинобарин, янги терминларнинг пайдо бўлиши мақсулдир. Бироқ илмий услубда, фанда атамаларнинг аниқлигига эҳтиёж кучли бўлгани сабабли терминлар дублетлигидан қочиш учун табиий интилиш сезилиб туради. Шунга кўра, терминологияга бағишланган барча адабиётларда дублетлик илмий—техникавий терминологиянинг жиддий нуқсони деб кўрсатилади»<sup>2</sup>.

Терминологияда синоним ёки дублетлиликнинг юзага келиши айрим муаллифлар томонидан мавжуд терминларнинг аралаш тарзда

<sup>1</sup> Лбдурахмонов Г., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. —Т.: Ўзбекистон, 2002. — Б. 84 — 85.

<sup>2</sup> Мадвалиев А. Ўзбек химия терминологиясида дублетлик ва уни минимумга келтириш масаласи // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. — Т.: Фан. 1986. —Б. 80

қўлланиши натижасида қам содир бўлади. Бугунги адабиётларимизда «*босма маҳсулотларни нашр этиши билан шугулланувчи техника ёки саноат соҳаси*» маъносида *типография II босмахона // матбаа* терминлари аралаш қўлланмоқда. Бу синоним терминлар ичида *типография* қамда *матбаа* терминлари ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган. Хусусан, *типография* сўзи асли юнонча «*lуроз*» (*из, тамга*) қамда «*дгарко*» (*ёзаман*) сўзларининг бирикувидан ясалган. *Матбаа* сўзи қам ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган. *Босмахона* термини эса ўзбек тилининг ўзида ясалган, яъни ўзбекча *босма* сўзига форсча — тожикча *хона* сўзининг қўшилиши натижасида вужудга келган. Бу терминларнинг ўзбек тилидаги маъно англатиш даражаси тенг қисобланади. Чунки «*Ўзбек тилининг изоқли луғатияда қам қар учала термин синоним тарзида берилади ва уларнинг маъно англатиши бир хилда ифодаланади: «Типография — китоб, газета ва бошқа нарсаларни босиб чиқарадиган корхона; босмахона, матбаа»*<sup>1</sup>. Лекин, бизнинг назаримизда, *матбаа* термини кўпроқ тошбосма усулида китоб чоп этишга оид бўлиб, қадимда фаол қўлланган. *Типография* эса яқин вақтларгача анча фаол бўлган бўлса, кейинчалик унинг қўлланиш кўлами кескин торайди. Ҳозирда *босмахона* термини қарикки терминга нисбатан қам тилимизда мустақкам ўрин эгаллади, Шу боис асосий термин сифатида *босмахона* терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўзбек тилидаги полиграфия ишлаб чиқаришига оид дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг аксарияти рус тилидан ■гаржима қилиш эвазига яратилмоқда. Баъзи қолларда рус тилидаги муайян бир терминни ўзбек тилида ифодалашда терминнинг шаклан ва мазмунан уйғунлашувига етарли даражада ижодий ёндашмаслик, қолаверса, оддий таржима қилиш йўлидан борилганлиги сабабли қам дублетлик ёки терминнинг у англатиши лозим бўлган тушунча моқияти билан уйғунлашмаслик каби терминологик тамойилларга зид келувчи қолатлар содир бўлмоқда. Ёки таржимачилик жараёнида рус тилидаги мавжуд дублетлик, синонимлик айнан ўзбек тилига кўчмоқда. Таржимачиликдаги бундай ҳолатлар ҳам ўзбек тилида дублетлик ҳодисасининг вужудга келишига шарт — шароит яратмоқда. Масалан, айни соҳа терминологиясининг рус тили материалда *полиграфическая продукция* термини билан *печатная продукция* терминлари маълум маънода дублет ҳисобланади. Айни шунга уйғун равишда мазкур дублетлик ўзбек тилида ҳам *полиграфия маҳсулоти // босма маҳсулот* кўринишидаги вариантликни вужудга келтирган ва улар бир маънони англатишда аралаш қўлланади. Аслида ҳам шундайми? Мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида, авваламбор, ишни ҳар бир терминнинг ҳақиқий лексик маъносига диққатимизни қаратамиз. *Полиграфия* термини аслида грекча

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоқли луғати. Икки жилдлик. 2-ж. — М.: Русский язык, 1981. — Б. 183.

*роlудгарМа* (*роlуз* — «кўп, кўп сонли» ва *дгарЪо* — «ёзаман») сўзи билан боғлиқ бўлиб, айнан таржима қилганимизда «кўп ёзиш» маъносини ифодалайди. *Полиграфия* терминига «Библиотечное дело:

Терминологический словарь»да қуйидаги тарзда изоҳ берилган: «*Отрасль техники, специализированная на множественном воспроизведении текста и графических изображений (печатной продукции)*»<sup>1</sup>. Таърифдан кўриниб турибдики, полиграфия матнли ва жизма тасвирларни ёки умумий номда босма маҳсулотларни кўп миқдорда чоп этишга махсулаштирилган техниканинг маълум бир соҳаси экан. Демак, босма маҳсулот умумий номдаги полиграфия маҳсулоти ичига кириб кетмоқда. Албатта, полиграфия саноати ишлаб чиқарган маҳсулот ўз —ўзидан полиграфия маҳсулоти ҳисобланади. Агар масалага кенгроқ ёндашсак, умуман, *полиграфия маҳсулоти*

терминининг тушунча қамров доираси *босма маҳсулот* терминига нисбатан анча кенг. Чунки полиграфия маҳсулотлари аслида икки йирик гуруҳга бўлинади ва улар қуйидаги терминлар билан ифодаланади: *нашриёт—босма маҳсулотлари, саноат босма маҳсулотлари*. Нашриёт—босма маҳсулотлари деганда тақрир — нашриётчилик ишларидан ўтган ва ўзида мужассамлашган маълумотларни ўқувчиларга етказиш учун мўлжалланган босма асарлар (китоб, журнал, газета кабилар) тушунилади. Саноат босма маҳсулотларига эса нашриётнинг иштирокисиз чиқариладиган турли ёрлиқ, иш қоғозлари (бланкалар), транспорт, театр, кино, концерт чипталари, идора қоғозлари ва ўров буюмлари каби маҳсулотлар киради. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, *полиграфия маҳсулоти* билан *босма маҳсулот* терминлари дублет терминлар эмас, балки алоқида—алоқида тунгунчаларни ифодаловчи икки мустақил терминлардир ва уларни ўз маъноларида тўғри қўллаш тавсия этилади.

Баъзи қолларда полиграфия маҳсулоти турларини англатувчи терминларни ифодалашда уларнинг шакл ва мазмун уйғунлигини етарлича англамаслик оқибатида чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, *босма маҳсулот // китоб маҳсулоти // нашриёт маҳсулоти // нашриёт босма маҳсулоти // саноат босма маҳсулоти* терминлари адабиётларда гўё синоним терминлар сифатида аралаш қўлланади. Ҳақиқатда эса, бу қар бир термин ўз маъно англатиш қўламига эга. *Босма маҳсулот* термини хусусида юқорида тўхталиб ўтдик. *Китоб маҳсулоти* терминининг нашр эталаётган китобларга нисбатан қўлланаётгани маълум. Айни соҳа терминологиясининг рус тили материалидаги *книжная продукция* термини ўзбек тилига *китоб маҳсулоти* тарзида калькаланган. Лекин аксарият илмий адабиётларда *китоб маҳсулоти* мустақил термин сифатида берилмаган. Тўғри, рус китобшунос олими Шамурин Е.И. томонидан 1958 йилда нашр

<sup>1</sup> Библиотечное дело: Терминологический словарь. — М.: Книга, 1986. — С. 112.

қилинган «Словарь книговедческих терминов» номли китобда *книжная продукция* термини қақида маълумот келтирилади. Унга қуйидагича изоҳ берилган: «1) *муайян вақт оралигида алоҳида нашриётлар томонидан чоп этилган китоблар мажмуаси*; 2) *босма маҳсулот терминининг синоними*»<sup>1</sup>. Ушбу луғатдаги изоқдан англашиладики, дастлабки вақтларда нашриётлар томонидан чоп этилган китоблар сони ҳақида алоҳида қисоб юритилган ва нашриётлар, асосан, китоб чоғ этиш билан шуғулланган. Бугунги кун нашриётлари эса, биргина китоб мақсулоти эмас, балки турли хилдаги босма мақсулотларни чоп этмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги китобатчилик терминологиясида *китоб мақсулоти* терминини асосий термин

<sup>3</sup> **Шамурин Е.И. Словарь книговедческих терминов. — М.: Россия. 1958. — С. 124.**

сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис унинг ўрнида кенг маънодаги *босма маҳсулот* терминининг қўлланиши айтиш мумкин. Лекин фақат китоб нашри билан боғлиқ бўлган ҳолатларда, яъни «*ҳар қандай форматдаги жузлаб муҳоваланган нодаврий нашр*» маъносида *китоб нашри* термини ҳам қўлланади. Бу ўринда *китоб нашри* билан *босма маҳсулот* терминларини синоним терминлар сифатида қабул қилмаслик керак. Ҳар икки терминнинг ҳам ўзига хос тушунча ифодаси мавжуд. Зотан, *китоб нашри* ҳам кенг маънодаги *босма маҳсулот* сирасига киради.

Энди *нашриёт мақсулоти* термини хусусида икки оғиз сўз. Бу ерда икки хил ҳолатни назардан қочирмаслик лозим. Биринчидан, агар масала умуман нашриётлар томонидан нашрга тайёрланган ва нашр этилган мақсулотлар ҳақида кетса, у ҳолда, *нашриёт мақсулоти* термини эмас, балки *босма маҳсулот* термини қўллангани маъқул. Шунда ҳам *нашриёт босма мақсулоти* шаклида эмас. Чунки аксарият нашриётларнинг энг асосий фаолияти босма мақсулот чиқаришдан иборат. Шундай экан, шундоқ ҳам ихчам ва аниқ мазмундаги *босма мақсулот* бирикмасига учинчи *нашриёт* терминэлементининг қўшилишига ҳеч қандай эҳтиёж сезилмайди. Лекин масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Маълумки, босма мақсулотларнинг икки тури мавжуд: нашриёт босма мақсулотлари ва саноат босма мақсулотлари. Агар фикр фақатгина таҳрир — нашриётчилик тайёргарлигидан ўтган ёки муайян бир нашриёт томонидан тайёрланган ва чиқарилган босма мақсулотлар ҳақида кетса, у ҳолда, *нашриёт босма мақсулотлари* терминини қўллаш тўғри бўлади. Шу ўринда, яна бир савол туғилади: Нашриётлар босма мақсулотлардан ташқари яна бошқа мақсулот турларини ҳам чиқарадими? Йўқ, албатта! У ҳолда, нега қисқагина қилиб, *нашриёт мақсулотлари* деб қўя қолмасдан, унга учинчи бир *босма* терминэлементини қўшиб, терминни яна ҳам узун қилиб ясаёмиз? Шу боис, мазкур маънодаги *нашриёт босма мақсулотлари* термини ўрнида *нашриёт*

*маҳсулотлари* терминини қўлласак, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда терминологиянинг терминларни ихчамлаштириш тамойилига уйғун иш қилган бўламиз.

*Наириёт босма маҳсулотлари* терминини ихчамлаштириш борасида қўллаган усулимизни *саноат босма маҳсулотлари* терминига нисбатан қўллай олмаймиз. Агар ушбу усулни қўллаган ҳолда *саноат босма маҳсулотлари* термини таркибидаги *босма* терминэлементини қисқартирсак, у ҳолда *саноат маҳсулотлари* шакли қолади ва у *саноат босма маҳсулотлари* термини англаган маънони бермайди. Чунки саноат маҳсулотларининг турлари ниҳоятда кўпдир. Шу сабабли *саноат босма маҳсулотлари* терминини ўз ҳолича қолдиришга тўғри келади.

Ўзбек китобатчилик терминологиясида яқин давр ичида пайдо бўлган синоним терминлар қам мавжуд. Улар сирасига *корректор II мусаҳҳиҳ* терминларини киритишимиз мумкин. Маълумки, XXI аср бошларига қадар «*босма наирни тайёрлашдаги ҳарф териш жараёнида йўл ҳўйилган хатоликларни тузатувчи наириёт, таҳририят ва босмаҳона ходими*» маъносини англатишда, асосан, *корректор* термини қўлланиб келинди. *Корректор* термини аслида лотинча сўз бўлиб, *corrector* — «*тузатувчи, тўғриловчи*» маъноларини ифодалайди. Бу сўз ўзбек тилига рус тили орқали кириб келди ва у ўзбек китобатчилик терминологиясига жуда сингиб кетди. Лекин кейинги йилларда чиқаётган адабиётларда *корректор* термини ўрнида *мусаҳҳиҳ* термини қўллана бошланди. Қизиғи шундаки, *мусаҳҳиҳ* терминининг изоқи ўзбек тилидаги мавжуд луғатларда берилмаган. Демак, бу сўз сўнгги йиллардаги ўзбек тили лексикасида мавжуд бўлмаган. Ҳеч қандай мажбурийлик ёки тазйиксиз бу сўз ўзбек тили лексикасида яна пайдо бўлди. *Мусаҳҳиҳ* терминининг *корректор* ўрнида қўлланиши тўғрими? Бу саволга жавоб бериш учун *мусаҳҳиҳ* термининининг маъно англатиш қўламига назар танхлаб кўрайлик. Юқорида айтганимиздек, *мусаҳҳиҳ* сўзи ўзбек тилидаги Алишер Навоий ҳамда Зақириддин Муқаммад Бобур асарлари учун тузилган луғатларда ёки ўзбек классик адабиёти асарларига оид луғатларда қам деярли учрамайди. Шунингдек, «Ўзбек тилининг изоқли луғати»да ёки 2001 йилда чоп этилган «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоқли луғатидан<sup>1</sup> ҳам бу сўз ўрин олмаган. Шу ўринда *мусаҳҳиҳ* сўзининг маъноси хусусида тўхталиб ўтайлик. Бу сўз асли арабча бўлиб, унинг араб тилидаги феъл шакли *саҳҳа* (СНдир. Араб тилида *саҳҳа* феъли кўп маъноли қисобланади: I бобда *саҳҳагун* (4л-а): 1) *соғ—саломат бўлмоҳ; соғаймоҳ; (яра) битмоҳ;* 2) *муваффаҳиятли яқунламоҳ;* 3) *вафодор бўлмоҳ;* 4) *рухсат бермоҳ.* II бобда *саҳҳаҳа* 1) *тўғриламоҳ. тузатиш киритмоҳ;* 2) *соғаймоҳ; касални тузатмоҳ;* 3) *тасдиҳламоҳ; имзоламоҳ;* V бобда *тасаҳҳаҳ* (Сг^): *тўғриламоҳ.* Демак, *мусаҳҳиҳ* билан боғлиқлик V .

<sup>1</sup> Ногуеу А-уабозъч. Но21ГС1 о'Г'Бек III Мо1 5о'21ашмд 420БН 1шд'аП..—Т.: Збагд, 2001.—336 б.

бобда ҳамда II бобдаги биринчи маънолари билан уйғунлашади. Шунингдек, араб тилида *саҳҳа* феъл шаклидан «*тўғрилаш*» маъносидаги *масҳих* (ʼъла-лЗ), «соғлом; *тўғри*, *хатосиз*, *дуруст*» маъноларини ифодаловчи *сахих* (&\*="•\*\*) сўзлари қам ясалган<sup>1</sup>. Маълум бўладиги, *мусаҳҳих* «*тузатувчи*, *тўғриловчи*; *корректор*» маъноларини англатади ва унинг *корректор* ўрнида қўлланиши маъқул кўринади. Демак, муайян даврларда рус тилидан ўринсиз - равишда қабул қилинган терминларнинг юқоридаги тарзда муқобиллари билан алмашинуви ўзига хос ижобий натижаларни беради. «Биринчидан, ўзбек тили терминологик тизимига маълум маънода миллийлик, ўзига хослик, миллий — лисоний руҳ бағишланди. Иккинчидан, шўролар даврида рус тили таъсирида ноўрин равишда истеъмолдан сиқиб чиқарилган анъанавий сўз ва терминларни қайта тиклашга имкон яратди. Учинчидан эса, ўзбек адабий тили тарихий терминологияси билан замонавий терминология тизимлари орасидаги меъёрий анъанавийлик, тадрижий изчиллик хусусиятлари маълум даражада тикланди»<sup>2</sup>.

Фан — техника янгиликларининг ишлаб чиқаришда фаол қўлланиши натижасида ҳам янги техник жараён билан боғлиқ қолдаги тушунчани ифодаловчи терминлар эскилари билан дублетликнинг қосил бўлишига олиб келади. Ўзбек китобатчилик терминологиясида илгарилари «*матнга уйғун тарзда терилган ҳарфлар (набор)ни саҳифаларга бўлиб чиқувчи*» шахсга нисбатан *вёрсткачи* II *саҳифаловчи* терминлари параллел қўлланади эди. Китобатчилик ишида сўнгги фан—техника ютуқлари, хусусан, компьютер тизимининг кириб келиши натижасида кўпгина жараёнларда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Энди терилган матнни сақифалаоғ жараёни автоматик равишда, яъни компьютерда операторнинг берган буйрути асосида бир зумда бажарилмоқда. Компьютерда терилган матнни сақифалаш ишлари билан шуғулланувчи шахсга нисбатан *компьютерда саҳифаловчи* ҳамда *компьютер таъминотчиси* терминлари муомалага кириб келди. Бизнинг назаримизда, бу ерда баъзи бир ноаниқликлар мавжуддек туюлади. У қам бўлса, бу ўринда *компьютер таъминотчиси* терминининг қўлланиши. *Компьютер таъминотчиси* терминининг «*саҳифаловчи*» маъносида қўлланиши, бизнинг назаримизда, янглишдир. Агар биз *таъминотчи* сўзининг тушунча моқиятига эътиборимизни қаратсак, янглишлик янада ойдинлашади. «Ўзбек тилининг изокли луғати»да *таъминотчи* сўзи қайд этилмаган бўлса—да, *таъминот* сўзига қуйидагича изок берилган: «*Кераклиц нарсаларни муҳайё ҳилиб етказиб бериши; яшаши, ишлаш учун зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжни ҳондириши. Кимсани яшаши учун зарурий нарсалар билан таъминлаши*»<sup>3</sup>. Ушбу изоҳдан келиб чиқиб, *таъминотчи* кимсани керакли нарсалар билан таъмин

<sup>1</sup> Баранов Х.К. Кўрсатилган асар, 540 — беп КептИ Т. Соғиптауап ГигиИ. — ВакХ 2003. — 3. 7.

<sup>2</sup> Бестемиров У, Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. - Т.: Фан, 2002. — Б. 24.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изорш луғати. Икки жилдлик. 2-ж. - М.: Русский язык, 1981. - Б. 142.

этувчи шахсни ёки муассасани ифодалайди, холос. Демак, *компьютер таъминотчиси* терминининг *компьютерда саҳифаловчи* терминига синоним тарзда ишлатилиши тўғри эмас. *Компьютерда саҳифаловчи* терминининг қўлланишига бизнинг эътирозимиз йўқ. Чунки бугун нашриётчилик тизимида эски анъанавий усул билан компьютер тизими ёнма—ён ишлаб турибди. Саҳифалаш ишининг қайси тизимда бажарилганлигини фарқлаш учун қозирчалик *вёрсткачи* *II саҳифаловчи* // *компьютерда заҳифаловчи* терминларининг қўлланиши маъқулдек кўринади. Лекин вақт ўтиши билан бу уч термин ўрнида биргина *саҳифаловчи* терминининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки яқин давр ичида кигобатчилик ишига компьютер технологиялари тизимининг тўлиқ кириб келиши муқаррар қодисалиги қаммамизга яхши маълум. У замонда қар бир нашр этиладиган босма маҳсулотнинг сўзсиз компьютер технологиялари асосида тайёрланишини назарда тутсак, саҳифалаш жараёнини компьютерда бажарувчи шахсга нисбатан *компьютерда саҳифаловчи* терминининг бу тарзда қўлланишига эҳтиёж сезилмайди. Унга нисбатан оддийгина қилиб *саҳифаловчи* терминини қўллаш маъқул бўлади. Шунда терминнинг ихчамлиги ва маъно аниқлиги тўлиқ сақланади.

Тадқиқотда ўзбек китобатчилик терминологиясидаги яна бир камчилик хусусида, яъни маълум бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи терминнинг ўзи англатиши лозим бўлган тушунча ифодаси билан моҳиятан уйғунлашмаслиги ҳолатига ҳам тўхтаб ўтилади. Масалан, *тўлдирилган ҷайта нашр* термини ҳақида икки оғиз сўз. Умуман, терминнинг бу шаклда қўлланиши тўғрими? Эътибор бериб қарасак, бу уч компонентли термин аслида иккита терминдан иборат: *тўлдирилган нашр* ҳамда *ҷайта нашр*. Бу ўринда ҳар икки термин ҳам бир —биридан тамоман фарқланувчи ўз тушунча маъносига эга. Масалан, *тўлдирилган нашр*<sup>1</sup>. «*олдингисига нисбатан бирор ҷўшимча материални ўз ичига олган нашр*»\*; *ҷайта нашр*: «*олдинтсидан ҳеч бўлмаганда типографик буюртаси ёки асосий матнга киритилган ҷўшимчалар, безаклар, нашр аппарати каби хусусиятлари билан фарқланувчи янги нашр*»<sup>1</sup>. Ушбу терминлардаги чалкашлик, аслида, айни соҳа терминологиясининг рус тили материалидан бошланган. Чунки илгарилари, биз хоҳлаймизми, йўқми, кўпчилик ҳолларда, терминнинг ўзбекчада берилишида рус тили материали манба саналган. Шу боис рус тилининг ўзида мавжуд бўлган ноаниқликлар ўзбек тилига ҳам кўчган. Бундай ҳолатлар талайгина учрайди. Айни соҳа терминологиясишиг рус тили материалида *переиздание* терминига *новое издание* ҳамда *повторное издание* терминлари синоним тарзда қўлланган<sup>3</sup>. Шу вариантларга уйғун тарзда ўзбек тилида ҳам уч хил ҳолат тўлиқ кузатилади: *ҷайта нашр* // *янги нашр* //

<sup>1</sup> Библиотечное дело: Терминологический словарь. — М.: Книга, 1986. — С. 105.



такрорий нашр. Шунингдек, рус тилида дополненное издание билан переиздание (новое издание ҳамда повторное издание) терминига берилган изоҳларда ҳам фарқланиш унчалик сезилмайди: «Дополненное издание — издание, содержащее какие—либо дополнительные материалы по сравнению с предыдущим»<sup>1</sup> ёки «Дополненное издание — переиздание, содержащее какие—либо дополнительные материалы (текст, иллюстрации и т.д.) по сравнению с предыдущим»<sup>2</sup>. «Переиздание — см. Новое издание (2). Новое издание — всякое переиздание, хотя бы незначительно отличающееся от предыдущего (напр., только входной датой), независимо от того, как оно отпечатано: с нового набора, со стереотипа или путем фотомеханического, воспроизведения старого; синоним термина: переиздание»<sup>3</sup> ёки «Переиздание — новый выпуск издания, отличающийся от предшествующих. как минимум номером типографического заказа или же дополнениями, изменениями в основном тексте, аппарате издания, оформлении. Син.: Повторное издание»<sup>4</sup>.

Изоқлардан кўриниб турибдики, терминлар маъно моқиятларини ифодалашда йўл қўйилган чалкашликлар уларнинг истъмолда қўлланиш жараёнларида ноаниқликларни чиқармоқда. Масалан, китоб қайта нашр эттилганда унинг матнида, маъносида деярли ўзгариш содир бўлмайди. Фақатгина унинг чиқиш маълумотларида ўзгариш бўлиши мумкин ёки тор маънода айтадиган бўлсак, китобни қайта нашр этиш учун эски матн асосида янгидан харф териб чиқилади, холос. Бугунги фан — техника тараққиёти даврида уни ҳам амалга ошириш шарт эмас, яъни компьютер дастури асосида олдиндан терилган матн қайта нашрдан чиқарилади. Янги нашрда эса, нашр этилаётган босма асар нашриёт томонидан илк бор чиқарилади. Демак, қайта нашр билан янги нашр терминлари англатган маънолар ўртасида жуда катта тафовут мавжуд бўлиб, уларни синоним терминлар сифатида қабул этмаслик лозим. Шу боис, тўлдирилган нашр, қайта нашр, янги нашр терминларини алоҳида — алоҳида мустақил маъноларга эга бўлган терминлар сифатида қабул қилишимиз керак бўлади. Шунда, биринчидан, ҳайта нашр // янги нашр синонимлигига барҳам берилади, иккинчидан, учинчи бир синонимик вариант қисобланган такрорий нашр терминининг истъмолда бўлишига қеч қандай зарурат қолмайди.

Кўп ҳолатларда сигнал нусхаси // синов нусхаси // тажриба нусхаси // намуна нусха II тажриба нашри // синов нашри кўринишидаги синонимик вариантлар терминларнинг маъно англатиш мозгятига у қадар диққат бермаслик оқибатада юзага келган. Агар эътибор берсак, ушбу синонимик вариантдаги дастлабки тўрттасининг иккинчи компонентида нусха, охириги икки терминнинг аниқланмиш

<sup>1</sup> Шамурин Е.И., Кўрсатилган асар, 77—бет.

<sup>2</sup> Библиотечное дело: Терминологический словарь. — М.: Книга, 1986. — С. 48.

<sup>3</sup> Шамурин Е.И., Кўрсатилган асар, 178—бет.

компонентида *нашир* сўзлари иштирок этмоқда. Шу ўринда савол туғилади: Бу терминларнинг барчаси ҳам бир синонимик вариангликка кирмаса керак? Дастлаб ушбу саволга жавоб қидирамиз. Агар айни соқа терминологиясининг рус тили материалига диққатимизни қаратсак, у қолда, ушбу терминларга муқобил бўла оладиган *сигнальнъй экземпляр* қамда *пробное издание // препринт* терминлари мавжуддигини кўрамиз. Рус тилида *сигнальнът экземпляр* терминига қуйидагича изоқ берилган: «*Первът, пробнът экземпляр книги, журнала или других издания, направляемът в издательство как образец тиража для утверждения. Утвержденнът сигнальнъй экземпляр служит документом, на основании которого типография вьтускает весь тираж*»\*. Айни замонда *сигнальнът экземпляр* терминидан фарқли маъно англатувчи термин сифатида *пробное издание* терминининг тушунча моқияти қуйидагича изоқланган: «*Произведение печатни, предназначеное для общественого обсуждения, отзывов и замечаний; как правило, вьтускается небольшоим тиражом. Обьтно предпринимаемът в связи с подготовкой к публикации многотиражнъгх ответственнъгх разовьгх или подписнъгх изданий. См. Препринт*»<sup>2</sup>. Демак, ушбу изоқ сўнггида *пробное издание* терминига синоним тарзда *препринт* терминининг мавжудлиги ҳам таъкидланган. Ушбу лугатда *препринт* терминига қам изох бериб ўтилган. Унда ёзилишича, *препринт* сўзи рус тилига инглиз тилидан ўзлашган: *ргергШ — рге* (—гача, олдидан) + *ргШ* (*босиш, чоп этиш*). *Препринт* термини ўзбек китобатчилик терминологиясида муомалада мавжуд эмас.

Демак, рус тилидаги *сигнальнът экземпляр* ҳамда *пробное издание* терминларининг маъно моқиятида муайян фарқлиликлар мавжуд ва ҳар икки термин ўзининг мустақил маъноларига эга. Юқорида келтирилган *сишал нусхаси // синов нусхаси // тажриба нусхаси // намуна нусха // тажриба нашири // синов нашири* дублетлигида берилган терминларни икки мустақил гуруҳга ажратамиз, яъни *сигнал нусхаси // синов нусхаси // тажриба нусхаси // намуна нусха* ҳамда *тажриба нашири // синов нашири*. Энди ҳар икки дублетликни имкон даражасида минимумга келтиришга ҳаракат қиламиз. Биринчи дублетликдаги *сигнал нусха // синов нусхаси // тажриба нусхаси // намуна нусха* терминларидан

«*Полиграфия корхонаси томонидан чоп этилажасак наширинг адади ва нашир этилишига тасдиқ олиш учун нашириётга тақдим этилган илк босма нусха*» маъносида асосий термин сифатида қўллашга *намуна нусха* терминини тавсия этишмумкин. Иккинчи дублетликдан эса «*кўп миқдорда чоп этилажасак босма асар ҳақида жамоатчилик фикр—мулоҳазаларини олдидан олиш маҳсадида кам миқдорда чоп этилган босма асар*» маъноси учун *синов нашири* терминини асосий термин сифатида тавсия этамиз.

Тадқиқотнинг **умумий хулосалар** қисмида олиб борилган илмий

изланиш натижалари умумлаштирилди ва унда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек китобатчилик терминологиясининг диахрон аспектдаги тақлили шуни кўрсатдики, айни соҳа терминологиясининг шаклланиши узоқ тарихга эга ва унинг илк даврлари қадимги тошбитиклардан бошланади. Соҳа терминологиясининг шаклланишида ижтимоий қаётда содир бўлган қаётий ўзгаришлар қамда цивилизациянинг ўрни катта бўлди. Жамият тараққиёти, бунинг натижасида, китобатчиликнинг тобора такомиллашуви билан кўплаб янги ашёлар ва жараёнлар вужудга келди. Уларнинг тилда ўз аксини топиши зарурияти ўзбек тилида мазкур ашё ва жараёнларни ўзида ифодаловчи янги терминларнинг ясалишига, зарур қолларда, бошқа тиллардан ўзлаштирилишига замин яратди.

2. Ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши ва тараққий этиши X—XVI асрларда яшабиждод этган буюк алломаларимиз, хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Хоразмий, Хўжандий, Ҳайдар Хоразмий, Юсуф Амирий, Саййид Ақмад, Алишер Навоий, Закириддин Муқаммад Бобур кабиларнинг номлари билан бевосита боғлиқ. Чунки улар ўзларининг бебақо илмий ва бадиий асарларини яратишда, балки илк бор, ўзлари қўллаган сўзларга, хусусан, махсус лексикага ёки герминларга мурожаат қилишган, уларни тил луғат бойлигига олиб киришган. Улар қолдирган илмий ва адабий меросни ўрганиш орқали ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиш анъаналарини аниқлаш имконияти туғилади. Бунда буюк Навоийнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Навоий тил қонуниятларини бузмаган қолда кўпгина сўзларни иждод этиб, уларни ўз ўрнида моқирона қўллай олган. У туркий сўзлар билан бир қаторда форс ва араб сўзларидан қам унумли фойдаланган. Бу билан у нафақат китобатчилик терминологиясининг, балки ўзбек адабий тили луғатининг бойишига катта улуш қўшди.

3. Айни соҳа терминологиясининг қозирги кундаги шаклланиши ва тараққиётида ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари қал қилувчи омил қисобланади. Ўзбек китобатчилик терминологиясида термин яшашнинг аффиксация ҳамда синтактик усуллари кенг фойдаланилади. Бунда термин яшашнинг синтактик усули энг сермақсул ва фаолдир.

4. Синтактик усулнинг сермақсуллиги фақатгина айни соҳа терминологияси учунгина характерли бўлмасдан, балки ўзбек тилининг бошқа терминологиялари учун қам хосдир. Ўзбек китобатчилик терминологиясида икки ва ундан ортиқ компонентли терминлар миқдори анчагина бўлиб, улар орасида икки компонентли терминлар кўп сонни ташкил этади.

5. Ўзбек китобатчилик терминологиясида термин яшашнинг

аффиксация усулидан қам кенг фойдаланилади. Аффиксация усулида термин яшаш барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида қам сермақсул саналади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд сўз ясовчи аффиксларнинг ҳаммаси қам умумадабий тилда бир хилда самара беравермайди. Шу сингари, ўзбек китобатчилигига оид терминлар ясалишида қам барча аффикслар барабар ишгшрок этмайди. Қайсидир бири термин яшашда фаол иштарок этса, бошқа бири иофаол бўлади. Нима бўлганда қам, аффиксация усулида термин яшаш китобатчиликка оид терминологик лексиканинг бойишида муқим ақамият касб этувчи доимий манбалардан бири ҳисобланади.

6. Термин яшашнинг семантик усули ўзбек китобатчилик терминологияси учун характерли эмас. Соҳа терминологиясида бу усулда ясалган терминлар деярли учрамайди.

7. Баъзи туркий тилларда бўлганидек, ўзбек китобатчилик терминологияси шаклланишининг дастлабки босқичларида асосий устунликка, биринчи навбатда, араб тили, кейин эса, форс—гожик тили эга бўлган. Шу боис ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланишида араб ва форс—тожик талларидан ўзлаштарилган терминларнинг ўрни катта бўлган. Айниқса, ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши ва тараққиётида энг етакчи давр қисобланган XI—XVI асрларда бу қодиса янада яққол кўзга ташланади. Бу даврларда араб китобатчилиги билан боғлиқ тарзда катта миқдордаги терминлар араб тилидан ўзлашди. Бунинг асосий сабаби Қуръони Каримнинг китобат қилина бошланиши ва унинг мусулмон дунёсида ёйилишига бўлган эҳтаёжнинг катта бўлганлигидадир. Араб китобатчилигининг такомили бу соқа1-а оид арабча терминларнинг тез суръатлар билан шаклланишига гуртки бўлди. Тарихий вазият араб китобатчилик санъати билан бирга унга оид терминларнинг ўзбек талига кириб келишига шарт— шароит яратиб берди.

8. Ўзбек китобатчилик терминологиясида форсча — тожикча ўзлашмалар миқдори арабча ўзлашмаларга нисбатан анча қам миқдорни ташкил этади. Мустақилликкача бўлган даврда ўзбек китобатчилик терминологиясига рус тали ва у орқали Европа тилларидан терминларнинг кириб келиши кучайди. Ўзбекистон мустақиллиш йилларида бу тенденцияда бир талай ўзгаришлар содир бўлди. Мустегқил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томон очилиши тилимиз тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади. Энди бошқа тилдан сўз (термин) бирор тил воситасида эмас, балки тўғридан—тўғри ўзбек тили ички қонуниятларига бўйсунган ҳолда тилимизга ўзлаштирилмоқда.

9. Ҳар бир соҳа терминологиясини тартибга солиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Таржимачилик борасида мувофиқлаштирувчи марказнинг йўқлиги боис таржимонлар томонидан керакли сўз—термин етарли даражада синчковлик билан танланмади, биргина

тушунчани ифодалашда ҳар бир таржимон ёки муаллиф ўзича турли сўз — терминлардан фойдаланди. Бунинг натижасида терминларни қўллашда ҳар хиллик, синонимлик, дублетлик, кўп сўзли терминларнинг мавжудлиги, рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган айрим терминларнинг шакл ва мазмунида номутаносиблик каби терминологиянинг етакчи талабларига зид ҳолатлар юзага келди.

10. Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши терминология масалаларини, айниқса, уни тартибга солиш муаммосини янада долзарб қилиб қўйди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак бўлади:

— барча соҳа терминологиялари сингари ўзбек китобатчилик терминологиясини тартибга солиш масаласига илмий ёндашиш;

— соҳа терминологиясини тартибга солишга кун тартибидаги долзарб масала сифатида қараш, бу ишни доимий олиб бориш;

— барча соҳа терминологияларини, хусусан, китобатчилик терминологиясини тартибга солишда айна соҳа мутахассиси билан тилшунос олим ҳамкорлишга суянган ҳолда иш юритиш;

— соҳа терминларини тўла қамраб оlingан ҳамда ходисанинг моҳиятини тўғри ва аниқ ифодаловчи изоҳли луғат яратиш.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ МУАЛЛИФНИНГ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ВА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСINI ТОГ'ИГАН АЛОҲИДА НАШРЛАР**

1. Маданий-маърифий ишлар: Русча-ўзбекча атамалар луғати. — Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1990. —156 б. (Н.Маҳмудов, Б.Каримов, Н.Абдуғаффоровлар билан ҳаммуаллифликда).
2. Ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши (монография). —Т.: ТДПУ, 2004. -134 б.
3. Ўзбек китобатчилик терминологияси (монография). —Т.: Фан, 2004. -212 б.

## **ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР**

4. Ўзбек китобатчилик терминлари тарихидан // Адабий мерос. - 1992. — № 1 (59). — Б. 38-40.
5. Оғбек КйаррШд! че Тегтто1о]131 Оегегше // БП БегдМ. - Апкага. -1993. -№ 14. -5. 83-85.
6. Оғбек КадШ! уе МалБаасШд1 ТапШ Оегегше // Бй Пегдхзт Тигкo1o]1. — Апкага. —1994. —№ 15. —3. 65—68.
7. Оғбек КиАр Тегт1по1o]1зшс1ек1 АИпИ Тегт1ег // ГЗП Пегд1з1. - Апкага. -1994. -№ 17. -3. 36-39.
8. Оғбек уа 1игк 1Ц1ап<1ад1 таГБаадШкка оМ ти§1агак 1егт1аг БадШа//ОЦ Пегд151. —Апкага. —1994. —№ 19. —3. 45—48.
9. АН§ег Мауo1у доШуоййа кПоБаГдШк 1егт1п1ап // ТОгк БеБде1еп уе Ес1еб1уаБ Пегд1з1. — Апкага. —1995. — № 4. —5. 59 —

62.

10. Ўзбек китобатчилик терминларининг морфологик усулда ясашиши // Педагогик таълим. —2002, — №4. — Б. 51—53.

11. Кўхна Шарқ китобатчилигида. қўлланган ёзув ашёлари ва унга оид атамалар//Шарқшунослик. —2002. — № 1. — Б. 83—88.

12. Ўзбек китобатчилигига оид айрим терминлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. —2002. — № 3. — Б. 17 — 21.

13. Навоий талқинида китобатчилик атамалари // Тил ва адабиёт таълими. —2003, — № 1. — Б. 87 — 90.

14. Синтаксический способ образования терминов книжного дела // Преподавание языка и литературн. —2003. — № 4. — С.24 -28.

15. Китобатчиликка оид баъзи атамалар этимологияси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. —2003. — № 6. — Б. 70 — 73.

16. «Бахши» атамаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. —2004. — № 1. —Б, 59-62.

17. Китобаг санъатида бадий безакларни ифодаловчи атамалар // Шарқшунослик. —2004. — № 1. —Б. 9—11.

18. «Бобурнома»даги китобатчиликка оид терминлар ҳақида // Фаргона ДУ. Илмий хабарлар. — 2004. — № 1. — Б. 63 — 66.

19. Некоторе проблемм упорядочивания терминов книжного дела//Преподавание языка и литературн. —2004. — №2. — С. 45 — 48.

20. Обогащение узбекской терминологии книжного дела за счет внешних источников // Преподавание языка и литературн. —2004. — № 4. -С. 8-11.

21. Китобатчиликка оид баъзи атамалар этимологияси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. — 2004. — № 4. — Б. 80 — 84.

22. «Битик» термини этимологияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2004. — № 5. —Б. 75-78.

#### ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

23. Ўзбек китобатчилик терминларини тартибга солиш масалалари ҳақида // «Тиллардин оз — ара қатнасларн жағдайнда қазирги қарақалпақ тилинин терминологияснн тертиплестириў меселелери» бойинша илмий —амелий конференциясыганн тезислери. —Нокис, 1992. — Б. 67 — 68.

24. Алишер Навоий ва ўзбек китобатчилик атамалари // Навоийга армуғон. Иккинчи китоб. — Т.: А. Қодирий ном. Халқ мероси нашр., 2000. — Б. 97 — 102.

25. Ўзбек хатотлик санъатининг китобатчиликка оид атамалар шаклланишидаги ўрни // Халқ таълими тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. —Т.: ТДПУ, 2000. — Б. 121-123.

26. Ўзбек китобатчилик терминологиясидаги арабча ўзлашмалар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. —Т.: Университет (ЎЗМУ), 2002. —Б. 89-91.

27. «Девону луғотит туркядаги китобатчиликка оид терминлар қақида // Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданияти қамда жақон цивилизациясида тутган ўрни: Халқаро конференция материаллари. -Самарқанд: СамДУ, 2002. —Б. 69-70.

28. Алишер Навоий котиблар қақида // Навоийга армуғон. Учинчи китоб. — Т.: А. Қодирий ном. Халқ мероси нашр., 2003.  
— Б. 131-136. 39

29. Туркий тошбитиклардаги китобатчиликка оид терминлар қақида // Қозоқ филологияси маселелер1. —Т.: ТДПУ, 2003.  
— Б. 31-35.

30. XI —XVI асрлардаги ёзма манбаларда «битик» терминининг қўлланишига доир // Қозоқ филологияси маселелер!. —Т.: ТДПУ, 2003. — Б. 35-39.

31. Она тили дарсларида терминлар билан ишлаш // Ўзбек тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини сингдириш масалалари: «Ўзбек тили» доимий анжумани еттинчи йиғинининг материаллари. — Т.: РТМ, 2003. — Б. 39—40.

32. Китобатчилик терминларини тартибга солишга доир // Ўзбек тилтнунослиги муаммолари. — Т.: ТДГТУ, 2003. — Б. 65 — 68.

33. Китобатчилик терминлари тарихига оид // Классик мерос ва ёшлар тарбияси: Республика илмий — назарий конференцияси материаллари. — Т.: ТДПУ, 2004. — Б. 10—13.

34. Китобатчиликка оид баъзи атамаларнинг адабиётларда қўлланишига доир // Иқтисодий муносабатларни ўрганишда иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланиш зарурияти ва муаммолари: Республика илмий —амалий анжумани тезислари тўпламш - Т.: ТДИУ, 2004. - Б. 6-7.

35. Ўзбек китобатчилик терминологиясини тартибга солишнинг айрим масалалари // Давлат тили таълими муаммолари: Республика илмий —амалий анжумани материаллари. — Т.: Жақон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2004. — Б. 78 —81.

36. Вопросн упорядочения терминов книжного дела // Качество педагогического образования: проблемн и перспективн развития: Материалн Международной научно — практической конференции. 18- 19 мая 2004. -Алматн, 2004. -С. 163-166.

37. «Хазойинул—маоний»даги китобатчиликка оид терминлар хусусида // Навоийга армуғон. Тўртинчи китоб. — Т.: Фан, 2004. —Б. 142-147.

38. Алишер Навоий асарларида қўлланган китобатчиликка оид баъзи терминлар қақида // Филологик таълим: муаммо ва ечимлар. Республика илмий—назарий анжумани материаллари. —Т.: ТДПУ, 2004. —Б. 67-68.

39. Алишер Навоий асарларида қўлланган китобатчиликка оид

ўзлашма терминлар // Адабиёт кўзгуси: Илмий тўплам. — Т.: Давлат Адабиёт музейи тақрир бўлими. — 2004. — № 8. — Б. 204 — 207.

40. Шарқ китобатчилигида китоб қисмларини ифодаловчи терминлар // Филологик таълимда инновацион технологиялар: Илмий мақолалар тўплами. — Т.: ТДГТУ, 2004. — Б. 17—18.

**Муаллифнинг «Ўзбек китобатчилик терминологияси» номли монографиясига Т А Қ Р И З Л А Р**

1. Раҳмонов Н. Китобатчилик кўзгуси // Маърифат. - 2005.  
— 2 февраль.

2. Матчонов С. Ҳазрат Навоийдан мерос ... ёхуд китобатчилик санъати хусусида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 2005.  
— 4 февраль.

Филология фанлари доктори илмий даражасига талабгор Юлдашев Иброҳим Жураевичнинг 10.02.02 — ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш» мавзусидаги диссертациясининг

### **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** китобатчилик, китобатчилик терминологияси, терминларнинг шаклланиши, терминлар этимологияси, қўлёзма, ички ва ташқи манбалар, терминларни тартибга солиш.

**Тадқиқот объектлари:** ўзбек китобатчилик терминологияси, қадимги тошбитиклар, XI—XVI асрларга оид қўлёзма манбалар, қозирги нашриётчилик — матбаачиликка оид нашрлар.

**Ишнинг мақсади:** ўзбек китобатчилик терминологиясини диахрон қамда синхрон аспектларда лингвистик таҳлил этиш ва айни соқа терминологиясини тартибга солиш борасидаги муаммоларни қал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методи:** диалектиканинг билиш назарияси асосида диахрон қамда синхрон аспектларда қиёсий ва тавсифий методлар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ижтимоий ривожланиш қонуниятлари асосида ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши ва тараққий этишининг асосий манбалари аниқланди, уни тартибга солиш борасидаги муаммоли жиқатлари тақлил қилиниб, тегишли илмий хулосалар чиқарилди.

**Амалий ақамияти:** ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши, тараққиёти, тартибга солиниши масалалари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг асосий мазмуни бўйича республика ҳамда халқаро миқёсдаги конференцияларда (1993 — 2004) маърузалар қилинди. Тадқиқот натажаларидан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида «Китоб тарихи», Низомий номидаги ТДПУда «Ўзбек терминологияси масалалари», «Ўзбек тили лексикологияси» дарсларида кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соқаси:** диссертация материаллари



Ўзбек тили терминологиясининг шаклланиши ва тараққиёгини ўрганишда ва уни тартибга солиш муаммоларини ҳал этишда муқим манба қисобланади. Илмий хулоса ва тавсиялар ўзбек терминологияси таклилида, китобатчиликка оид нашрларнинг матн жикатидан сифатини оширишда, луғатлар тузишда, филология, нашриётчилик — матбаачилик қамда кутубхоначилик соқалари учун кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштиришда муқим ақамият касб этади.

### **Р Е З Ю М Е**

диссертации Юлдашева Иброхима Жураевича на тему «Узбекская терминология книжного дела: формирование, развитие и упорядочение» на соискание ученой степени доктора филологических наук по специальности 10.02.02 — узбекский язык

**Ключевые слова:** книжное дело, терминология книжного дела, формирование терминов, этимология терминов, рукопись, внутренние и внешние источники, упорядочение терминов.

**Объект исследования:** узбекская терминология книжного дела, камни с надписью, рукописные источники, относящиеся к XI — XVI вв., современные издания издательско — полиграфического характера.

**Цель работы:** лингвистический анализ узбекской терминологии книжного дела в диахронном и синхронном аспектах и разработка научных рекомендаций по проблемам упорядочения терминологии данной области.

**Метод исследования:** сравнительный и описательный метод в диахронном и синхронном аспектах на основе теории познания диалектики.

**Полученные результаты и их новизна:** в соответствии с закономерностями общественного развития определены основные источники формирования и развития узбекской терминологии книжного дела, проанализированы проблематические аспекты её упорядочения и сделаны соответствующие научные заключения.

**Практическая значимость:** разработаны практические рекомендации по вопросам формирования, развития и упорядочения узбекской терминологии книжного дела.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** сделаны доклад на республиканских и международных конференциях (1993 — 2004). Результаты исследования широко применяются в чтении учебных курсов «История книги» в ТашГИК имени Абдуллы Кадрри и «Вопросы узбекской терминологии», «Лексикология узбекского языка» в ТГПУ имени Низами.

**Область применения:** материалы диссертации могут служить важным источником в изучении истории формирования, развития и решения проблем упорядочения терминологии узбекского языка. Научные заключения и рекомендации имеют важное значение при анализе узбекской терминологии, в улучшении текстового плана

качества изданий по книжному делу, в составлении словарей, в совершенствовании учебного процесса в вузах, готовящих кадры по филологии, книжному делу, в частности, в области издательско — полиграфического и библиотечного дела.

## **RESUME**

**Thesis of Ibrohim Juraevich Yuldashev on the academic degree competition of the doctor of philological sciences, speciality 10.02.02 — the Uzbek language: "The Uzbek Bookpublishing Terminology"**

**Key words:** bookpublishing (in Uzbek: kitobatchilik), terminology of bookpublishing, developing terminology, etymology of terms, manuscript, external and internal sources, putting terms in order.

**Subjects of the inquiry:** the Uzbek bookpublishing terminology, ancient writings on stones, manuscripts of XI —XVI centuries, modern publishing and poligraphy editions.

**Aim of the inquiry:** diachronic and synchronic linguistic analysis of the Uzbek bookpublishing terminology and elaboration of scientific recommendations on the problems of putting terms of the given sphere in order.

**Method of inquiry:** comparative and descriptive methods in the diachronical and synchronical aspects on the basis of the theory of knowledge.

**The results achieved and their novelty:** in conformity with social development the main sources of developing Uzbek bookpublishing terminology were determined, problematic aspects of putting it in order were analyzed and scientific inferences answering the purpose were made.

**Practical value:** practical recommendations on the issues of developing and putting in order the Uzbek bookpublishing terminology were worked out.

**Degree of embed and economical effectivity:** some papers were read at the republican and international conferences (1993 — 2004). Our findings are being widely used while giving lectures on the teaching subjects "History of a Book" at the Tashkent State Institute of Culture named after Abdulla Kodiri and "Problems of Uzbek Terminology" at the Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.

**Sphere of usage:** The materials of the dissertation may serve as an important source while studying the history of developing the Uzbek terminology and in setting the matter of putting it in order. The scientific inferences and recommendations are of great importance in the analysis, of Uzbek terminology in making better quality of texts in bookpublishing, in compiling dictionaries, in improving teaching process at the higher educational institutions where specialists in philology, bookpublishing, particularly in the field of publishing and printing industry and library science.

изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1970. — 82 б.; Абдурахмонов Қ, Маҳмудов Н., Шукуров. Маданий-оқартув ходимлари учун қисқача изоҳли луғат. - Т.: Ўқитувчи, 1983. -143 б.; Маданий —маърифий ишлар: русча—ўзбекча атамалар луғати / Маҳмудов Н., Каримов Б., Йулдошев И., Абдугаффоров Н. — Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1990. — 159 б..

**Семенов А.А. Кўрсатилган асар, 171 —172 —бетлар.**  
**'Абдурахмонов Х., Махмудов Н., Шукуров. Маданий-оқартув ходимлари**  
**учун қисқача изоҳли луғат. — Т.: Ўқиаувчи, 1983. -- Б. 123.**  
<sup>1</sup> **Книговедение: Энциклопедический словарь. — М.: Энциклопедия,**  
**1982. — С. 482.**